

Фарида ХАЛДИБЕКОВА

**СОГЛОМ ТУРМУШ  
ТАРЗИ-  
ЖАМИЯТИМИЗ  
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
АСОСИЙ  
ОМИЛИ**



ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2013

51.1(59) - Социал гигиена

УЎК: 37.017.92:61

КБК 51.1(59)60.56+87.7(59)

X-17

60.56 - Чилингизбек хоёт  
87.7(59) - Эншина

Тақризчилар:

Х.А. Шайхова – фалсафа фанлари доктори, профессор,

Х. Аликулов – фалсафа фанлари доктори, профессор,

Г.Х. Тиллаева – фалсафа фанлари номзоди, доцент.


Мазкур илмий-оммабоп қўлланмада Ўзбекистонда демократик исполотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – жамиятни барқарорлаштириш ва соғломлаштириш экани, ижтимоий соғломлик миллатнинг, ҳар бир фуқаронинг саломатлиги билан чамбарчас боғлиқлиги илмий асосланиб, ўсиб келаётган ёшларнинг таълим-тарбияси жараёни олдида турган долзарб муаммолар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Муаллиф бу муаммоларнинг ечими ёшларни тарбиялаш, уларнинг илмий-амалий салоҳиятини ўстириш, илмий савиаси ва маданиятини ошириш, мавжуд ижобий тажрибалардан унумли фойдаланишига одатлантиришга боғлиқ эканини қайд этган. Таълим-тарбия ишига давлат сиёсати даражасида ёндошишда ижтимоий соғлом муҳит ва тарбия тамойилларидан самарали фойдаланиши зарурати ҳақида фикр юритган. Илғор тажриба, малакани шакллантириш ижтимоий муҳит жараёнида муҳим аҳамият касб этишини изоҳлаган.

Қўлланма мазкур муаммо билан қизиқувчи китобхонлар ва ёшларга мўлжалланган.

Рисола Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафиий тадқиқотлар ўкув-илмий комплексининг Ф1-ГО16 «Шахс ахмеологик муаммоларининг ахлоқий ечимлари: ижтимоий-этник тадқиқот (ҳолат ва истиқбол)» гранти асосида тайёрланди.

1041445  
29,

ISBN 978-9943-01-862-4



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

---

## КИРИШ

Жамиятни ижтимоий соғломлаштириш тамойиллари асосида олиб борилаётган испоҳотлар юртимиизда ижтимоий соғлом мұхитни ҳамда баркамол инсонларни, соғлом түрмуш тарзини шакллантиришга қаратылған. Бу эса, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, түрмуш тарзини янада юксалтириш орқали амалга оширилади. Зеро, халқ саломатлигини таъминлаш табиий атроф-мұхит ҳолати билан бир қаторда, ижтимоий мұхит билан чамбарчас боғлиқдір. Демак, инсон соғлиғи – давлат мұлки ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсоннинг биосоциал саломатлигини асраш йўли орқали ижтимоий мұхит ҳолатини таъминлашга интилиш – давлат аҳамиятига молик вазифалардан дір. Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш лозимки, фақат тана саломатлиги муваффақиятлар гарови бўла олмаслиги мумкин. Тана саломат бўлгани билан рух, фикр носоғлом бўлса, албатта нокулай вазиятларга олиб келади. Бу эса, жамият соғлом түрмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Инсоннинг жисмоний саломатлиги ҳамда маънавий-ахлоқий камолотида ижтимоий мұхитни такомиллаштириш бугунги даврда долзарб ижтимоий вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Соғлом түрмуш тарзи – шахснинг муайян ижтимоий-хукуқий, маънавий-ахлоқий, жисмоний-рухий, маданий шароитларда шаклланган ҳаёттій фаолият услуби, уларнинг турмуши, умр мазмуни, жисмоний саломатлиги, ўзаро муносабат маданияти, хулқ-атвори, дунёқараши, хатти-харакати тарзида намоён бўлишидир.

Шу боис, мамлакатимизда демократик хукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантеришда баркамол

авлод тарбияси катта аҳамият касб этади. Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни тарбиялашда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш орқали миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини сингдириш ва уларни эъзозлаш ниҳоятда мухим.

Республикамиз Президенти эътироф этганидек, «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин»<sup>1</sup>. Шу боис, ахлоқий тарбия – соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жамиятни соғломлаштириш – соғлом ижтимоий мухитни қарор топтириш, демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида ахлоқий қадриятларни тиклаш, шу асосда баркамол шахс қиёфасини шакллантиришдаги мухим омиллардандир. Чунки жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий индивид сифатида унинг мукаммал камолоти учун зарур ижтимоий мухитда яшайди, фаолият кўрсатади ва камол топади. Бу эса, жамият ривожига valeologik ёндошувдир.

Ушбу илмий-оммабол қўлланмада аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш муаммосини фалсафий-илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг долзарблиги, унинг зарурий ижтимоий жиҳатларини илмий-назарий ва амалий миқёсда ёритиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрнини маҳсус ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан ўрганиш лозимлиги ҳақида сўз боради.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. –325 б.

---

## **АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА Соғлом түрмуш тарзи: диалектикалык масалалари**

Соғлом түрмуш тарзини шакллантиришда миллий-маънавий қадриятларни ўрганишга эҳтиёж туғилиши, шубҳасиз. Бунда боболар меросини ўзлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Зоро, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида халқаро терроризм, экстремизм ва радикал ҳаракатлар нафақат юртимиз сарҳадларига, балки бутун дунё мамлакатларига, шунингдек, халқаро хавфсизликка таҳдид сола бошлади. Ҳар қандай террористик, экстремистик, радикал ҳаракатлар ўзининг мағкуравий, молиявий, ҳудудий, ташкилий жиҳатдан бирламчи манбаларига эга бўлмасдан ўз фаолиятини амалга ошира олмайди. Шунинг учун ҳам терроризмга қарши курашда уларнинг мағкуравий манбасини аниқлаш зарурдир. Чунки террористлар ўзларининг мақсадларини оқлаш, кенг жамоатчилик олдида обрў топиш учун мағкуравий асосларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Энг асосий хавф шундаки, улар мавжуд ижобий ғоя ва таълимотларни бузиб, ўзларига мослаб талқин қилмоқда. Бундай шароитда ҳар бир фуқаро, айниқса ёшларимиз миллий ғояни чуқур эгаллашлари, уни амалда қўллайдиган, ҳимоя қила оладиган бўлишлари керак. Миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини аҳолига сингдириш, террористларнинг мағкуравий ақидаларига қарши тура оладиган, улар билан баҳслашадиган, моҳиятини фош қиладиган мақолалар, китоблар, илмий тадқиқотлар олиб борилиши бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Донишмандларнинг фикрича, инсонни уч кулфатдан асрамоқ лозим: ўлим, қарилек ва ёмон тарбия топган фарзанддан. Қарилек ва ўлимга чора йўқ. Бироқ, ёмон фарзандга тўғри тарбия бериш чораси бордир. Бу тадбирлар – ота-она ва тарбия институтлари томонидан олиб бориладиган ахлоқий тарбия жараёнида амалга оширилади.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, «*Азизларим, Аллоҳ таоло берган соглигимизни асройлик, чунки соғлом одамгина чинакам баҳтли бўлади, чунки фақатгина соглом халқ, соглом миллат буюк ишларга қодир бўлади*»<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди. Яъни, инсоннинг жисмоний саломатлиги ҳамда маънавий-ахлоқий камолотида ахлоқий қадриятлар тамоилларини тадқиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Инсон ҳаётининг фаровонлиги – унинг ижтимоий, жисмоний, интеллектуал, эмоционал, маънавий ва акмеопогик ҳолатининг уйғунлашувидан юзага келади. Агар бу жиҳатларнинг бирор соҳасида оқсоқлик юзага келса, самарали натижаларга зришиш мушкул. Инсон учун эса энг қадрлиси – унинг саломатлигидир. *Саломатлик – инсон фаолиятида биологик, физиологик ва психологияк функциялар, меҳнатга лаёқатлилик ҳамда ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш жараёнидир.*

Ўзбекистон истиқболнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда баркамол инсонни тарбиялашни ўзининг стратегик мақсади деб эълон қилди. Инсон камолоти, энг аввало, сиҳат-саломатлик, тўрт мучали бутлиги билан боғлиқ. Халқимида қатор нақл-мақоллар мавжуд: «Соғлом танда – соғлом ақл», «Тани сиҳатлик – туман бойлик», «Тан саломати – жон роҳати», «Кун кўрайин десанг,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади// Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т: «Ўзбекистон», 2005. –Б. 125.

сиҳатинг сақла». Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзи – ҳаётнинг бош мезони бўлиб қолади.

Фалсафада соғлом турмуш тарзи муаммасини «Валеология» фани ўрганади. *Валеология vale* (латинча.) – саломлашиш (яъни «сизга саломатлик тилайман», русчада «будь здоров», «будьте здоровы»), *logos* (грекча.) – ўқиттаман деган маъноларни англатиб, соғлом турмуш тарзини шакллантиришининг усул ва услубларини ишлаб чиқувчи ҳамда уларни амалиётга жорий этишга кўмаклашувчи фан тармоғидир<sup>1</sup>. Валеология тушунчаси илк бор 1982 йилда тиббиёт фанлари доктори И.И.Брехман томонидан инсон танасининг саломатлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўргатишга қаратилган тиббиёт ва психология ўкув курслари амалий натижаларининг интеграциялашуви асосида юзага келган фан тармоғи сифатида киритилган.

Соғлом турмуш тарзи – тиббий, экологик, оиласвий, педагогик valeологияларга бўлинади.

**Тиббий valeология** – саломатлик, касаллик, уларнинг диагностикаси орасидаги фарқларни аниқлаб беради, соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришда индивиднинг саломатлигини сақлаш методикаси, мезонлари ҳамда салбий омилларни бартараф этиш учун организмнинг имкониятларидан фойдаланиш усулларини тавсия қилади. Саломатликка таъсир этувчи табиий ва ижтимоий омилларни ўрганади ҳамда соғлом турмуш тарзини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

**Экологик valeология** – биосферадаги ўйғунлик, инсоният органик ҳаётининг бир кўриниши – *Homo sapiens* (онгли инсон) эканлиги, инсон саломатлигига ташки экологик омиллар таъсирини ўрганади.

**Оиласвий valeология** – оила ва оиласвий жамоанинг саломатлигини сақлашга оид тадбирларни амалга оширади. Оиласвий тиббий-экологик мухитида бола туғилишидан, унинг ўз саломатлигига нисбатан онгли

<sup>1</sup> <http://www.medinfo.ru/sovety/val>

муносабатини тарбиялашгача бўлган жараёнларни ўрганади. Оиланинг тиббий-экологик мұхити – уларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир.

**Педагогик valeология** – таълим мұхитининг инсон саломатлигига таъсири. Ўқувчилар соғлиқ маданиятининг күйи даражасини ўрганади.

Россиялик valeологииар И.И. Брехман, В.П. Петленко, Г.К. Зайцев, Л.Г. Татарникова, Б.Н. Чумаков, С.В. Попов, В.В. Бабенко, В.В. Золотухин, В.Б. Войнов, Н.В. Воронова, М.И. Леднова, И. Силюянова, Я.Л. Мархоцкийлар valeологиянинг тиббий, психологик, педагогик масалаларини тадқиқ этганлар.

Ўзбекистонлик олимлардан И. Шодиматов, О. Оқилов, К. Содиқов, Сайфиддин Фахриддин ўғли, Ш. Бўтаев valeологияга факат тиббиёт, руҳшунослик ва гигиеник нуқтани назардан ёндошганлар. Улар томонидан соғлом турмуш тарзи муаммоси ижтимоий-фалсафий нуқтани назардан маҳсус илмий-тадқиқот сифатида ўрганилмаган<sup>1</sup>. Шу боис «Valeология»ни жаҳон андозасига мос равишда янги соғлом турмуш тарзи атамаси билан юритилиши мақсаддага мувофиқдир.

Соғлом турмуш тарзининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелда қабул қилинган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, «Соғлом турмуш тарзи» давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларининг 2005 йил 10 авгуустдаги 178/197/713-сонли қўшма буйруғи, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2006 йил 28 ноябрдаги 272-сонли буйруғи билан бакалавр таълим йўналишининг ўқув режаси биринчи блокига «Valeология асослари» фанидан киритилган 40 соатлик ўқув курсида ўз ифодасини топган.

---

<sup>1</sup> Мазкур муаллифларнинг асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Жамиятда ахлоқий қадриятлар асосида баркамол инсонни тарбиялаш соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда мұхим омиллардан ҳисобланади. Аммо, инсон соғлом турмуш тарзи масаласи нафақат унинг сапоматлиги, руҳий мувозанати ёки истеъмол қиладиган таомига, балки унинг ахлоқий тарбияси, маънавияти, бир сүз билан айтганда, ижтимоий мұхити билан чамбарчас боғлиқидир<sup>1</sup>. Демак, соғлом турмуш тарзининг асосий мақсади – ахлоқан пок, етук баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир. Тарбия ахлоқий қадриятлар тамойиллариға таянган жараёндир.

Қадриятлар – нарса ва воқеалар, жамият, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини ифодалаш учун қўлланиладиган тушунчадир. Ахлоқий қадриятлар – шахс фаолиятида намоён бўлувчи ахлоқий қоида ва меъёрлар, ғоялар ва мақсадлардаги баҳолаш мезони ҳамда усууларини ўзида акс эттиради. Улар ҳаполпик, поклик, ўзаро ёрдам ва адолатлилиги, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар, бурч, виждон, ор-номус, масъулият каби ахлоқий тушунчалар шаклида намоён бўлади<sup>2</sup>.

Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тинчлик, тенглик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, хулқ, ахлоқий хислат ва фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар қадрият ҳисобланади. Қадриятлар ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсулни сифатида ўз тарихий илдизи, ривожи, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало субъект – инсон фаоллигининг ортиб бориши натижасида ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, хатти-ҳа-

<sup>1</sup> Шадхова Х.О., Тиллаева Г.Х. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007.

<sup>2</sup> Миллый истиқбол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изохли тажрибавий пугат). – Т.: «Янги аср авлоди». 2002. 177-бет.

ракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ижтимоий гурухлар фаолиятини маълум йўналишга бурадиган, тегишли тартибга соладиган маънавий ҳодисага айланди ва айланмоқда. Инсон бутун умри давомида сон-саноқсиз қадриятлар оламида яшайди<sup>1</sup>.

Қадриятлар ичida энг биринчи умумий ва олийси инсон ва унинг ҳаётидир. Чунки, ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради. Қадрият кенг қамровли, кўп маъноли, ҳикматли сўздир. Ўз қадрини билган кишигина бошқаларнинг қадрига етади. Уни ҳайвонлардан юқори қўйган, дунёning барча сирларидан воқиф этувчи тўрт нарса бордир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ – ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат – ақлга; ҳаё, олийжаноблик, ўзини кўлга олмоқ ва ўз ҳақ-хукуқини билмоқ – қаноатга; тўғрилик, ваъдага вафо, зэгу ишлар қилмоқ ва яхши бўлмоқ – адолатга тегишилди<sup>2</sup>.

Ахлоқ инсоннинг маънавий қиёфасини белгиловчи сифат бўлиб, ижтимоий онгнинг муайян шакли сифатида кишиларнинг юриш-туришлари, уларнинг жамият олдидаги бурчи, масъулияти, ўзаро алоқалари ижтимоий меҳнатга муносабатлари сингари ҳаракатларини тартибга солувчи меъёрий қоидалар йиғиндисидан иборатdir.

Жамият ҳаётида ахлоқий қадриятлар шахснинг маънавий қиёфасини, унинг инсонийлик даражасини белгилашнинг муҳим меъёри бўлиб юзага чиқади. Шу боис, инсоннинг ахлоқий сифатларини ижобий ва салбий қисмларга бўлиб ўрганмоқ лозим. Ижобий ахлоқий сифатлар салбий ахлоқий сифатларга қарама-қарши маъноларни англатади. Уларни инсонларга нисбатан ахлоқилик ва ахлоқсизлик сифатлари деб юритиш мақсаддага мувофиқ бўлади.

<sup>1</sup> Шайхова Х.О. Инсон мустақилликнинг энг олий қадрияти. – Т.: Фалсафа ва ҳуқук, 2006.

<sup>2</sup> Калила ва димна. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. 20-бет.

Тадқиқотимиз давомида биз ахлоқлилик ва ахлоқсизлик сифатларини қиёсий таҳпил этдик:

1-жадвал

№	Ахлоқлилик белгилари	Ахлоқсизлик белгилари
1	Одобли	Беадаб
2	Саховатпеша	Хасис
3	Бағрикенг	Ғаразгүй
4	Мулойим	Жаҳлдор
5	Садоқатли	Сотқин
6	Ботир	Құрқоқ
7	Илмли	Саводсиз
8	Истеъдодли	Истеъдодсиз
9	Адолатлы	Шафқатсиз
10	Мехрли	Бемехр
11	Тиришқоқ	Ялқов
12	Тұғыссыз	Ёлғончи
13	Зийрак	Лоқайд
14	Саховатлы	Тамагир

Ахлоқий қадрияттарни бирор бир халқ алоҳида яратмайды, балки уларни ҳар бир халқ, элат ўз тарихий тажрибаси билан аста-секин шакллантириб боради ва ўзаро муносабатлар жараённан миллий хусусиятларидаги умумий жиҳатларни англаб борадилар. Ҳар бир фазилат ёки ахлоқий қадрият мазмунан ва шаклан миллий шарқона маънавий маданиятимизга мос бўлиши ижтимоий заруриятдир.

Ахлоқий қадриятларнинг асосий вазифаси – кишиларнинг хулқи, одоби, юриш-туриши, муомаласининг моҳияти, хусусиятлари ва тараққиёт қонунларини очиб беришдан иборат. Яхшилик ва ёмонлик, адолат, баҳт, виждан, бурч каби тамойиллар, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, байналмилаллик, ҳамкорлик каби мезонлар, хушмуомалалик, ширинсұханлик, ҳалоллик, ростгүйлик, камтарлик, чидамлилик, ҳимматлилик, самимийлик, дүстлик, шарму ҳаё ва ҳоказоларни илмий-амалий асослаб беради.

Гўзал ахлоқ инсонга хос яхши фазилат ва баркамолликнинг ифодаси ҳисобланади. Гўзал ахлоқ соҳибининг баркамоллиги жамиятнинг барча аъзолари учун ўрнак бўлиб хизмат қиласди, унинг амалий хатти-ҳаракатлари ёшлар учун ибратdir. Халқимизда ахлоқли ёки ахлоқсизлик сифатининг инсонларга нисбатан ишлатилиш боиси шундандир. Миллат ҳам гўзал ахлоқли, яхши фазилатли фуқаролари туфайли юксалади. Ахлоқсизлик миллатни инқирозга учратади, тубанлаштиради.

Мамлакатимиз истиқлонининг дастлабки йилларида содир этилган террористик харакатларнинг илдизи ҳам айнан миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга етарлича эътибор берилмаганлигига, десак асло му болага бўлмайди. Диний экстремизм мафкурасининг хатарли томони шундаки, у ўз жирканчли мақсадини одамлар онгига ғоявий таъсир орқали, уларда муайян қадриятлар тизимига нисбатан иммунитет, кўникума ҳосил қилиш орқали амалга оширади. Рухи, онги ва эътиқоди занжирбанд киши худди караҳт (зомби) каби фақат буйруқ кутади, фикрлаш доираси тораяди, онги хиралашади, жаҳолат ва қабоҳат ботқогига ботади. Бундай ҳодисанинг ортида эса муайян кучли мафкура туради. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир»<sup>1</sup>, дейиши айни ҳакиқатдир. Чунки, мафкуравий кураш қурол воситасидаги курашга нисбатан юз чандон самаралироқ эканлиги ҳаммага маълум. Мафкура индивидуал онг орқали ижтимоий онгни шакллантиради, ижтимоий воқеликка таъсир кўрсатади, уни ўзгартиришга олиб келади. Бироқ, геосиёсий ва геостратегик нуқтаи назардан қаралганда, ўз навбатида, халқаро террористик ташкилотлар ҳам ўз кураш рўйхатига нафақат АҚШ ва Истроилни, балки уларнинг стратегик ҳамкорларини ҳам, демак, Ўзбекистонни ҳам киритганлигини унутмаслик керак. Шу

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қиласин. – Т.: 1998. 12-бет.

боис мамлакатимиз миллий хавфсизлик сиёсати халқаро терроризмнинг геостратегик мақсадларини ҳам ҳисобга олиб юритилиши, бу каби оғатларга қарши ёшлар онгидаги мағкуравий иммунитетни шакллантириш лозимлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Шу боис, ўзбек халқи ўзининг қадимий ва маънавий бой тарихида миллатимизга хос бўлган боқий қадриятларни шакллантириб, улардан ёшларни тарбиялашда унумли фойдаланганлар.

Фарзанд тарбиясида назорат мухимдир. Ота-она болага унинг порлоқ келажаги фақат билим, тафаккур, ақл-идроқда деб тушунтируса, у илм олишга ҳаракат қиласди. Аксинча, енгил-елпи пул топишга ўрганса, унинг илм олишдан кўнгли совийди, ҳаётга енгил қарайдиган, қийинчилликпярга чидамсиз, ҳаётнинг мураккаб синовларига бардош бера олмайдиган, дангаса, келажакда оилани бошқара олмайдиган, текинхўр бўлиб ўсади, натижада миллий урф-одат ва қадриятларни хурмат қилмайди.

Жамиятда бу ҳолат ахлоқий категорияларнинг бузилишига олиб келади. У қўпол, билимсиз, каттапарга нисбатан бехурмат, ялқов, лоқайд, бир сўз билан айтганда – ахлоқсиз инсон бўлиб вояга етади. Бу ҳақда Яқуб Чархий: «Ахлоқсиз, тарбиясиз одамлар билан кўп сұхбатлашма. Уларнинг сұхбати сенинг пок қалбингни ифлос қиласди. Кўрмайсанми, қўёш шундай буюк бўлса ҳам озгина булат унинг юзини беркитиб, нур сочишдан маҳрум қиласди», деса, Жалолиддин Румий эса: «Гўзал ёки ярамас хулқ-атворга эга бўлганлар дунёда икки хил дарёга ўхшайдилар. Бу икки дарёдан бирининг суви жуда ширин ва фойдали сувдир, иккинчи дарёнинг суви эса қора рангли бўлиб, илон заҳри оғуси кабидир. Бу заҳарли дарё сувидан ичганлар ярамас феъл-атворга эга бўлиб, фалокат ва ҳалокатга дучор бўладилар», – деб ёзади.

Ахлоқий қадриятлар ахлоқ ва одоб тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Ахлоқ, яъни этика (юнонча «*ethos*») – кишиларнинг оилада, жамоада, умуман жамиятда

юриш-туриши, яшаш қоидалари, феъл-атворлари, хатти-харакатларининг жамини ифодалаб, одат, одоб, расм-руsum, феъл (характер) маъноларини билдиради<sup>1</sup>.

Ахлоқий тарбия кишилар муомаласида асосан қуидағи уч маънода қўлланилади: биринчидан, кундалик ҳаёт муомаласида этика оддий тилда ахлоқ, одоб, хулқ-атвор; иккинчидан, маълум бир ижтимоий гурухлар, касб-хунар ёки ихтисосликлар, тадбиркорлар этикаси, ўқитувчилар этикаси, шифокорлар этикаси, раҳбарлар этикаси ва шу кабилар; учинчидан, асосан ва қўпчилик ҳолда кишиларнинг ахлоқ-одобини, хулқини, феъл-атворини ўрганувчи фан – «ахлоқшунослик».

Мамлакатимиз мустақиллиги даврида тоталитар ижтимоий-иқтисодий тизимдан эркин бозор муносабатларига ўтиш осон кечмади. Бу жараён қатор ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар ечимини топишни тақозо қилди.

Жамиятнинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида қадриятларимизнинг умуминсоний ва миллий асосларини ҳар бир фуқаронинг фаолиятида ахлоқий фазилат ва гўзал одатга айлантиришдан иборат бўлди. Жамиядда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тарбиявий жараёндаги қиммати оширилди, унга эътибор ва қонуний зарурият кучайтирилди.

Аммо, баъзи фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётида ахлоқий қадриятларга зид хатти-харакатлар учраб туради. Жумладан, худбинлик, бефарқлик, оқибатсизлик, ёшларимизда маънавий-ахлоқий қадриятларга лоқайдлик кайфиятлари. Бундай ҳолатлар маънавий оламда мураккаб, ҳал қилиниши долзарб бўлган вазифалар мавжудлигидан далолат беради. Бу эса, ижтимоий тараққиётда маънавий испоҳотлар миллий шарқона ахлоқий тарбияни юксалтиришдаги аҳамияти ошиб бораётганлигининг яққол ифодасидир.

Ахлоқий қадриятларнинг яна бир муҳим вазифаси – инсонларнинг ахлоқий камолотини шаклланишига хизмат

<sup>1</sup> Мавлонов М. Ахлоқшунослик. –Т.: «Насаф», 2002. 5-бет.

қилиш, жамият ҳаётидаги ахлоқсизлик иллатларининг барча кўринишларини йўқотиш ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда воситаларини изоҳлаб беришдан иборатdir.

Луқмони Ҳаким: «Ёмон ишларнинг тескарисини қилиб, яхши бўлдим, одобни беодобдан ўрган», дейди. Албатта, беодобдан ўрганиладиган нарсанинг ўзи йўқ, лекин бирорларнинг хатоси, гуноҳи, салбий хислатларини такрорламаган инсон энг олий шахсдир. Бундай фуқаронинг ахлоқийлигини ўзи бир кутлуғ иш бўлса, бирорларнинг ахлоқсизлигини такрорламагани учун икки карра улуғdir. Чунки беодобнинг қилиғи, хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори одоб доирасидан ташқарида бўлгани учун унинг одобсизликларини кўриб, шундай хатти-ҳаракатларни такрорламаслик бу иймондандир. Демак, беодобдан ўрганилган одоб унинг беодобликларини пайқай билиш ва уларни ўз шахсий ҳаётида такрорламаслиқdir.

Шу боис, жамиятни модернизациялаш жараёнида фуқароларга соғлом турмуш тарзини яратиб бериш асосида баркамол авлодни ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ахлоқий тарбия ва қадриятларнинг аҳамиятини янада ошириб, уларни ҳаётий заруриятга айлантириди. Бу эса маънавий ва руҳий покликни талаб қилади.

Поклик – зеҳн ва идрок тиниқлигидир. Маънавий поклик – бу ахлоқ зиёсидир. Унда руҳ шаффоффиги, сезги туйғулари юксакдир. Покиза ақл инсонни камчиликлардан кутқаради, руҳий ҳаётга рағбатлантиради, шодлик келтиради.

Киши ҳаётида ахлоқий покликка эришиш асосий вазифа бўлиб, тама ва молпарастликка мутлақо зид. Покизалик ҳар бир давр ва замоннинг талаби бўлган. Тозалик ўзбек халқи онги, ғурурига сингиб кетган. Халқимизнинг асрий анъаналарини давом эттириб, поклик, яъни соғлом турмуш тарзи кечириш, шууримиз ва

онгимизни тазийкелардан халос этиб, янги замон талабига мос пок инсон бўлиб яшашга амал қилишимиз лозим. Ҳадисларда: «Ҳаром нарсалардан сақланинг – одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Оллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг – одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг – тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг – саломат юрасиз»<sup>1</sup>, – дейилади.

Поклик миллий урф-одат ва анъаналаримиз, айниқса, илм-фан соҳасида яққол намоён бўлади. Қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон илм сирларини ўрганишда унга вижданан, фидокорона, пок туйгулар билан ёndoшмас экан, бирор-бир натижага эришиши амримаҳолдир.

Соғлом турмуш тарзи турли соҳаларни ўз ичига олувчи интегратив фан тармоғи бўлиб, унда тиббиёт, психология, фалсафа ва бошқа фанларга кирувчи турли соҳаларнинг натижалари қўлланилади.

Дастлабки валеология кафедраси Ленинград Давлат шифокорлар малакасини ошириш Институти, ҳозирги Санкт-Петербург «Дипломдан сўнгти олий таълим» Тиббиёт Академияси негизида ушбу фан тараққиёти асосчиларидан бири, Петровск Фанлар Академиясининг академиги, ф.ф.д., т.ф.д. В.П. Петленко томонидан яратилган эди. Ҳозирги гайтда Валеология фани мактаблар, ўрта ва олий маҳсус ўқув юртлари дастурига киритилгандир. Новгород Давлат университети ректорининг буйруғи билан 1995 йилдан бошлаб «Валеология ва тиббий билимлар асослари» барча нотиббий йўналишлар ва ихтисосликлар учун мажбурий фан ҳисобланади.

**Кўпчилик ҳолларда «соғлом турмуш тарзи» категориясини «саломатлик» категорияси билан чалкаштириш ҳолларига дуч келамиз.**

Саломатлик – 1948 йилда ЖССТ томонидан қабул „ инган бўлиб, бу нафақат касалликлардан ёки жисмоний нуқсонлардан ҳолилик, балки тўла жисмоний,

<sup>1</sup> Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т. «Фан», 1990. 16–17-бетлар.

рухий ва ижтимоий барқарорлик ҳолати ҳамдир. Қуйидаги таърифлар саломатликни физиологик нуқтаи назардан тавсифловчилар ҳисобланади.

**Инсон индивидуал соғлиғи** – бу организмнинг патологик силжишлардан ҳолилиги, ташқи мұхит билан әнг мақбул алоқаси, барча функциялар ҳамжиҳатлигиги фонидаги табиий ҳолатидир. Соғлиқ – организмнинг ташқи мұхиттегі мос бўлган ва организмга әнг мақбул ҳаёт фаолиятини ҳамда тўлақонли меҳнат фаолиятини таъминлаб берувчи тузилмавий-функциявий белгиларининг ўзаро уйғунликдаги мажмуй ҳисобланади. Инсон индивидуал соғлиғи – организмдаги барча мавжуд алмашинув жараёнларининг уйғун бирлигидир, бу эса организмнинг барча тизимлари ҳамда қуий тизимлари әнг мақбул рашишда фаолият юритиши учун шароит яратади. Саломатлик – фаол ҳаёт максимал давомийлиги шароитида инсоннинг биологик, физиологик ва психологияк функцияларини, меҳнатга лаёқатлилік ҳамда ижтимоий фаолигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш жараёнидир.

Соғлом турмуш тарзининг тор маъноси остида кўпинча инсон руҳи ва танасининг саломатлиги ҳақидаги типик меъёрлар ва уларга ўтишнинг әнг мувофиқ услубларини аниклаш тушунилади. Агарда саломатликка таъсир қиливчи барча омиллар – ўзаро муносабатлар, иш, турмуш тарзи, уларнинг инсоннинг бутун ҳаёти давомида ўзгариб боришини максимал даражада ҳисоб-китоб қилишни ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни баҳолашни мақсад қилиб олсак, соғлом турмуш тарзини янада кенгрөк тушуна бошлаймиз.

Соғлом турмуш тарзининг кенг маъноси – соғлом фикрлаш тарзи, ўзлигини англаш йўли, ривожланиш техникалари бўлиб, уларнинг инсон томонидан тушунилиши ва фойдаланилиши руҳ ва тана саломатлик ҳолатини белгилаб беради. Яъни, соғлом турмуш тарзининг янада аҳамиятироқ мақсади инсоннинг заминда яшаш санъатини, жисмонан соғлом танани шакллантириш, тўлиқ ўзлигини англаш, руҳий комиллик ва баҳтиёрликка эришишни ўргатиш бўлиши мумкин.

Соғлом турмуш тарзи – шахсий ҳаёт ва атрофдагилар билан ўзаро муносабат масалаларини ҳал қилиш, инсоннинг жисмоний, руҳий ҳолати ва ташқи хулқини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи инсонни ўз-ўзини ва бошқа одамларни тушуниш асосида хулқ-атвор маданиятига, оила туза олишга, дўстлар танлай олишга, ижобий ўзаро муносабатларни сақлай олишга, келишмовчиликларни ҳал қила олишга ўргатади, бу ҳам инсон ва жамият манфаатларига мос келади.

Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзи инсоннинг хукукий давлат томонидан бериладиган имкониятларни тушунишга асосланадиган турли давлат тузилмалари билан фаол ўзаро муносабатга киришиши ва бунда қобилиягини шакллантириши, шунингдек қонунга ҳурмат, унинг шахспараро ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни тартибга солишда инсон манфаатлари, хукуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга йўналтирилганdir.

Юртбошимиз эртанги кунимиз янада фаровон бўлиши, ҳалқимизга хос меҳр-оқибат, аҳиллик, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳурмат, шижаат, савоб ишлар қилиш каби фазилатларни маънавиятимиз мезонига айлантириш, уларни янги авлод онгига сингдириш ҳаётимизни янада чароғон этади, эзгу мақсадларга зришишда энг катта мезон ва омил бўлади, деб алоҳида таъкидлаганлар. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарсак, мақсадларимизни уйғунлаштиrsак, мамлакатимиз мард, фидойи кишилар юритига, соғлом авлодимиз ҳақиқий келажак эгаларига хос юксак маънавиятли, шарқона гўзал ахлоқий фазилатларни намоён этувчи комил инсонларга, Ватанимиз миллий ифтихор руҳида камол топган соғлом авлодлар маконига айланади.

Инсонга шахс сифатида қарайдиган бўлсак, унинг бу ҳолатини даставвал жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодалайди. Демак, инсон соғлиги – давлат мулки бўлиб, оқилона яшашнинг янги йўналиши

хисобланади. Шунинг учун саломатликни асраш йўли орқали турмуш тарзини мўътадил сақлашга интилиши – давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири бўлмоқда. Инсон саломатлигини оила муҳити даражасида куйидаги мезонларга ажратиш мумкин:

- наслдан-наслга ўтиш – 20%;
- ташқи муҳит – 20%;
- тиббий ёрдам даражаси – 10%;
- ҳаёт тарзи – 50%.

Шу сабабли валеология соғлом турмуш тарзи ҳақидағи фан сифатида эътироф этилиб, унинг асосий вазифаларидан бири аҳолининг тиббий, жисмоний, маънавий-ахлоқий, репродуктив саломатлигини саклаш, турмуш тарзининг ижтимоий-ахлоқий, ҳуқуқий асосларини яратиш ва соғлом турмуш тарзи қадриятларини шакллантиришдан иборатdir.

Шахс камолоти ва унинг ривожланишида муҳим омил бўлган наслдан-наслга ўтиш деганда, биз кўпроқ ирсийликни назарда тутамиз. Бу, кўпинча, ўзбек оиласидаги миллий қадриятларимизнинг намунаси бўлган қуда-андачилик, қиз узатиш ва ўғил уйлантириш маросимларида яққол кўзга ташланади.

Айрим оиласарда қариндошлар ўртасидаги никоҳни афзал кўрадилар. Баъзи ҳолларда эса, йигит ёки қизнинг тиббий ва жисмоний аҳволидан кўра уларнинг бойбадавлат ота-оналарига асосий эътибор қаратилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бу никоҳ самараasz хисобланиб, соғлом наслни дунёга келтириш учун асос бўла олмайди.

**Ташқи муҳит** – баркамол авлоднинг ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутади. Чунки инсон шаклланиши давомида нафақат оила муҳити, балки жамоа, мавжуд сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, табиий муҳитларнинг таъсирида ривожланади. Шундай экан, унинг оиласида соғлом ижтимоий, руҳий муҳит яратиб бериш билан бир қаторда, унинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида ҳам доимий кўмак бермоқ мақсадга мувофиқ.

Онг одамни ҳайвонот оламидан ажратиб чиқарди ва унга буюк куч берди. Асрлар мобайнида инсон муҳитга мослашишга эмас, балки унда ўзи кун кечиришига қулай шароит яратишга интилиб келди. Натижада инсоннинг ҳар қандай фаолияти атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатади. Чунки биосферадаги салбий жараёнлар барча тирик мавжудот, шу жумладан инсон учун ҳам хавфлидир. Атроф-муҳит билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабат инсоннинг жисмоний, руҳий ҳолатлари барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, табиий омиллар ва ундаги антропоген ўзгаришларнинг инсон саломатлигига таъсири, индивиднинг табиий муҳит таъсирида юз берадиган фавқулоддаги хатти-ҳаракатини башорат қиласди. Шу боис, табиат ва атроф-муҳитга қадрият сифатида қараб, уни асрраб-авайлаш, ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланиш лозим.

Экологиянинг мўътадиллигини сақлаш, кўп ҳолларда фуқароларимизнинг унга нисбатан нотўғри муносабатда бўлаётганликларидadir. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси худудида собиқ Иттилоқ даврида республикамизнинг бой табиий бойликларидан асоссиз фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажарилмаслиги оқибатида табиий мувозанатнинг бузилиши, иқлим шароитини ўзгариши, атмосферанинг трансчегаравий ифлосланишига олиб келди. Замондошларимиз организмида ибтидоий одамларга қараганда (юрак касалликларини келтириб чиқарувчи) кадмий 70 марта, (атеросклероз ва буйрак касаллиги сабабчиси) кўрғошин 10 марта, (асаб касалликлари ва генетик ўзгаришлар сабабчиси) симоб 10 марта, треллер 40 марта кўп тўпланган. Бундан ташқари, ҳар йили 150 млн. т олтингугурт II оксиди, 260 млн. т чанг, 70 млн. куб метр газ, ўн минглаб тонна фторли ва хлорли бирикмалар атмосферага чиқарилиб юборилади, атмосферани булғовчи моддалар сони 100 дан ортади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бобоназаров F. Мафкура ва экологик муаммолар. // –Т.: «Мулоқот» журнали, 4-сон, 2001. 21-бет.

Ер куррасида у ёки бу концентрациядаги ифлослантирувчи моддалар бўлмаган жойни деярли топиш мушкул. Табиий мухитни ифлослантираётган моддаларнинг тури ҳам жуда кўп. Ўз табиати, концентрацияси, организмга таъсир қилиш вақти билан улар турли ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ушбу моддалар кичик концентрациясининг қисқа таъсири бошайланиши, кўнгил айниши, томоқ қирилиши, йўтални келтириб чиқариши мумкин. Инсон организмига катта концентрациядаги заҳарли моддалар тушиши ҳужсизликка, кучли заҳарланиш ва ҳаттоқи, ўлимга олиб келиши мумкин. Бунга мисол қилиб катта шаҳарларда қуруқ ҳавода юзага кела-диган смоглар ёки атмосферага ишлаб чиқариш корхоналаридан фавқулодда вазиятда чиқариладиган заҳарли моддалар чиқиндиларини кўрсатиш мумкин.

Организмнинг ифлосланишга бўлган реакциялари индивидуал жиҳатларга боғлиқ: ёши, жинси, соғлик ҳолати. Кўпинча болалар, ўрта ёш ва кекса, касалманд одамлар бунга мойил бўлади.

Организмга тизимли равишда ва вақти-вақти билан нисбатан кичик миқдорда заҳарли моддалар тушиши сурункали заҳарланишга олиб келади. Биргина мисол, кўчаларда куз фаслида тўкилган баргларни ёқиб юбориш натижасида унда ис газининг ажралиб чиқиши фукароларнинг нафас йўли касалликларини келтириб чиқариши ва баъзи ҳолларда ҳатто фожиавий ҳолларга олиб келиши мумкин.

Сурункали заҳарланиш аломатларига кундалик одатларнинг бузилиши, шунингдек нейроруҳий ўзгаришлар: тез чарчаш ёки доимий чарчаш ҳисси, уйқусизлик ёки тескариси – уйқу йўқолиши, апатия, хотира пасайиши, эсдан чиқариш ва кайфиятнинг тез-тез ўзгариши киради. Сурункали заҳарланишда битта модданинг ўзи инсонлар турли аъзоларини: буйрак, қон берувчи органлар, асаб тизими, жигарни ишдан чиқариши мумкин. Шулар асосида биз айrim ҳолларда фарзандларимизда ҳолсизлик, тажанглик, қўполлик ва ҳатто бебошлиқ ҳолатларини ку-затишимиз мумкин.

Экология, маълум меъёрда аҳолининг маданияти, маънавияти ва виждонига боғлиқ бўлиб, буларнинг танқислигида ҳар қандай мамлакат аҳоли соғлиғига аҳамиятли даражада таъсир қилувчи экоцид таназзулига учрайди. Шу боис, оила, маҳалла, мактаб ва жамоаларда инсон неча ёшда эканлигидан қатъи назар, экологияга оқилона ёндашиш, миллий ва ахлоқий қадриятларимиз бўлган «уй ва кўчани озода тутиш», «озодалик ҳашари», «дараҳт экиш маросимлари» каби гўзал урфодатларимизни оммавий равишда ўтказиб турмогимиз лозим.

Истиқомат қилаётган хонадонимизнинг экологик ҳолати ҳам инсон саломатлиги учун ўта муҳим ҳисобланади. Ҳатто уйнинг қандай хомашёдан қурилганлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, уйнинг деворлари пишиқ ғишт, лой пахса ёки асбест конструкциядан қурилганлиги инсон саломатлиги яхши ёки ёмон томонга ўзгаришига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда экологик жиҳатдан ижобий бўлган жойда жойлашиб ҳам, инсон аввалгидай бош оғриғи ва уйқусизликдан азоб чекиши, тез ҷарчани, бронхит билан касалланиши мумкин. Сабаби, рўзгоримизни ҳам каттагина бир саноатга тенглаштириш мумкин. Ҳар қандай уй ичидаги ҳаво дераза ташқарисидаги ҳавога қараганда 3–4 марта ифлосроқ бўлади. Овқат тайёрлайдиган газ плитаси, турли исиниш воситалари, ўз деворларини безатиб турадиган полимерлар, полларга қопланган лак ва эшик-деразаларнинг бўёқлари буғланиши хонадон ҳавосидаги кислородни астойдил ёндириб, унинг ўрнига карбонат ангидридни чиқаради. Ушбу газ албатта ҳидсиз ва рангиз, аммо унинг икки оксидини 0,1% концентрацияда, ҳатто қисқа вақт ичida, ҳидлаш ҳам нафас олиш ва қон айланишининг бузилишига олиб келади, бош мия қобигининг функцияларига таъсир қиласди. Шу сабабли ҳар куни ўзимиз сезмаган ҳолда карбонат ангидрид газидан заҳарланамиз. Бу эса, кўп ҳолларда, экологик саводсизлик туфайли юзага келади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Хитров Н.К. Ваш дом – для вас. –М.: 1995.

Инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи экологик омилларнинг яна бир манбаси тефлон идиши бўлиши мумкин. Тефлон қопламаси 200 даражадаёқ идиш уст қисмидан буғлана бошлади. Бу идиш ишлаб чиқариладиган корхоналар ишчиларида «гриппоз» аломатлари – тумов, кўз ачиши, бош оғриқлар кузатилганлиги, тефлон ишлатилган кичик ошхоналарда эса ҳаво айланиш тизими бўлмаган тақдирда паррандалар ўлиб қолганлигининг далиллари мавжуддир<sup>1</sup>.

Үйдаги ҳарорат ҳам соғлиқ учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳарорат қулайлигининг бир неча – салқин, совук, жуда совук, чидаб бўлмайдиган совук, илиқ, иссиқ, жуда иссиқ, чидаб бўлмайдиган иссиқ каби шартли категориялари мавжуд. Қулай ҳарорат – инсоннинг шундай бир физиологик ҳолатидирки, унда марказий нерв тизими ташқи кўзғатувчиларнинг энг кам микдорини қабул қиласди, ҳароратни тартибга солиш тизими эса энг кичик босим ҳолатида бўлади. Бу ерда инсоннинг ўзини ўзи сезиши мезон бўлиб хизмат қиласди, аммо тоза ҳаво иссиқдан афзалроқ.

Умуман, инсон яшаб турган хонадон қулайлигини таъминлаш мақсадида уйни тез-тез шамоллатиб туриш, ҳарорат қулайлиги ёки «салқин» категориясига мос келадиган доимий табиий муҳит, энг мувофиқ намликни сақлашга ҳаракат қилиш, ҳар куни уч соат давомида инсоляция учун шароитлар яратиш, уйни безашда табиий материаллардан фойдаланиш (ёғоч, қоғоз, матолар), уй таъмири давомида соф табиий мойлардан тайёрланган табиий бўёқлардан фойдаланиш, сунъий ёруғлик тургун бўлиши, унинг ранги эса қуёш рангига максимал яқинлашишини таъминлаш, инсонга салбий таъсири аниқланган асбоблардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш, айрим ҳолларда улардан воз кечиш, ахолининг бу борадаги ахлоқий-экологик саводхонлигини ошириб бориш лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Хитров Н.К. Ваш дом – для вас. –М.: 1995.

Талаб даражасидаги тиббий ёрдам инсоннинг соғлом ва баркамол ўсиши учун унинг она қорнидалигига даёқ ташкил этилмоғи лозим. Ҳомиладор аёлни меҳр ва эътибор билан авайлаш, оила ва жамоада унга кўпоплик ишлатмаслик халқимиизга хос одатdir. Янги туғилган чақалоқни турли касалликлар таъсиридан асрашга қаратилган қадриятларимиздан «Чилла»га амал қилиш, тана саломатлигини мунтазам равишда назорат остида олиб бориш инсон тарбияси учун муҳим шартларнинг биридир. Миллий ахлоқий қадриятларимиздан ҳисобланган оиласидаги, жамоадаги ёши улуғ инсонларнинг панд-насиҳатларига қулоқ солиш лозим.

Ҳаёт тарзи инсон тараққиётининг асосий омили ҳисобланади. Зеро, инсоннинг туғилганидан токи унинг қарилккача бўлган даврини ўзига хос ҳаёт тарзи эгаллайди. Айниқса, фуқароларнинг соғлом турмуш тарзи уларнинг моддий жихатдан таъминланганлигига ҳам чамбарчас боғлиқ. Соғлом турмуш тарзи бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари шу ҳақда гувоҳлик берадики, соғлиқни саклаш ва уни муҳофаза қилиш бирламчи ҳаётий эҳтиёжларни қондириш шарти билан боғлиқдир. Ривожланган давлатларда ўртача ҳаёт давомийлиги кўрсаткичлари ўсишининг биринчи босқичлари тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш ва инсоният фаровонлигининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлган экан. Ҳозирги даврда иқтисодий жихатдан ривожланган давлатларда ижтимоий-иктисодий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли гурухларининг ўртача киши бошига тегадиган даромадининг асосий қисми соғлиқни саклашга сарфланяпти. Нисбатан кам даромадли шахслар тез-тез касалланиб, камроқ профилактик ёрдамга учрашади ва юқорироқ ўлим кўрсаткичларига эга бўлишади. Аҳолининг юқори даромадли гурухлари профилактик тиббий ёрдамдан тез-тез фойдаланишади. Бироқ, муайян моддий барқарорликка (ўрта синф даромадлари) эришгач, бутун аҳоли ва, биринчи навбатда, ҳар бир инсоннинг саломатлигига моддий имкониятлар эмас, балки уларнинг саломатлик манфаатларида ишлатилиш табиати ўз таъсирини ўтказа

бошлайди. Уларнинг инсон манфаатлари учун ишлатилиши мунтазам суръатда таълим даражасига боғлиқдир. Бир хил ёш ва жинс гурухларини қиёслаганда шу нарса маълум бўлдики, юқори таълим даражасига эга бўлган шахсларнинг ўлимги майиллиги паст таълим даражасига эга бўлган гуруҳдагилардан кўра 1,5–4 маротаба камроқ экан<sup>1</sup>.

Хулоса шуки, инсонни ўраб турган ижтимоий ва табиий муҳитлар унинг соғлом ва баркамол ривожида асосий ўрин эгаллайди. Уни инсонпарварлаштириш ва соғломлаштириш эса ижтимоий-ахлоқий қадриятларимиз асосида амалга оширилади.

Аҳолининг саломатлиги, оммавий соғлик даражасини баҳолаш учун турли кўрсаткичлар қўпланилади:

– демографик (туғилиш, ўлим, ўртача ҳаёт давомийлиги), касалланиш, касалмандлик, ногиронланиш ва ҳоказо. Индивидум саломатлик даражасини аниқлаш, асосан соғлиқнинг баҳоланишига асосланади. Бу эса, биринчи навбатда, организмнинг жисмоний ривожланиши ва функционал ҳолатининг, яъни асосий физиологик заҳиралар ҳолатининг баҳоланишини ўз ичига олади. Жисмоний ривожланишнинг нисбатан оддий синов ва кўрсаткичлари ёрдамида кўриқдан ўтаётганинг саломатлик ҳолатини баҳолашга имкон берувчи «скрининг» услубиятлари амалий валеология учун катта қизиқиши пайдо қиласди. Улардан баъзилари компьютер вариантларига эга бўлиб, бу эса етарлича катта контингентларни кўриқдан ўtkазиш натижаларининг тезкор тарзда қайта ишланишига ҳамда саломатлик мониторинги ташкил қилинишига имконият яратади.

Мамлакатда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тубдан ўзгарди. Ушбу тизимни янада такомиллаштириш чоратадбирлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари қабул қилинди. Тиббий хизмат сифатининг тубдан яхшиланашётганини қуйидаги далиллар ҳам исботлайди: 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган давр мо-

<sup>1</sup> Қаранг: <http://www.medinfo.ru>

байнида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 гача, эркакларники 66 ёшдан 72 ёшгacha, аёлларники эса 70 ёшдан 74,5 ёшгacha узайди. Шу давр ичидаги юртимида 1150 та шифохона, 5550 та амбулатория-поликлиника, 173 та туман шифохоналари, 232 та санатория-эпидемиология марказлари, 245 та диспансер, 19 та қон қўйиш станциялари инвентаризациядан ўтказилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва кадрлар билан таъминланди. Юртимида 100 дан ортиқ доридармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ҳар бир даволаш, профилактик тадбирларимизнинг асосий мақсади – инсон ва унинг манфаати учун, ёш авлоднинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, юрт, миллат соғлом турмуш тарзи, турмуш ободлиги ва фаровонлигини яна-да оширишга қаратилгандир<sup>1</sup>.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг илмий тадқиқотларга асосланган маълумотларига кўра, инсон саломатлиги бир неча омилларга: 19,3% ҳолларда ташки мухит; 20,5% ҳолларда ирсият, яъни наслга, 8,6% ҳолларда соғлиқни сақлашни ташкил этишга ва ниҳоят, 51,6% ҳолларда оқилона турмуш тарзига боғлиқ экан. Демак, соғлиғимиз асосан ўзимизга, яъни турмуш тарзимизга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом турмуш тарзи – инсон умрини қисқартиришга олиб келувчи касаллик ва сабабларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлардан иборат бўлган ҳаёт тарзи бўлиб, – меҳнат, турмуш, тўғри овқатланиш, дам олиш гигиенаси, шахслараро муносабатлар маданияти, экологик маданият, ўз организмини физиологик жиҳатдан фаол ҳолатда сақлаш, бошқаларнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва турли заарарли одатлардан сақланиш каби омилларни ўз ичига олади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Назиров Ф. Соғлом миллат. – Т.: «Халқ сўзи», 2008 йил 28 февраль.

<sup>2</sup> Шайхова Х.О., Тиллаева Г.Ҳ. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. – Т.: Фалсафа ва хукуқ институти нашриёти, 2007. 38-бет.

Ахлоқий қадриятларимизнинг гўзал намуналаридан бири – овқатланиш одоби соғлом турмуш тарзини юритишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Жумладан, XVII асрда инглиз флоти адмирали Жорж Ансон испан флотилияси билан курашларда биронта ҳам аскарини йўқотмади, аммо кемаларда авж олган зангила (цинга) касаллигидан унинг 1000 та одамидан 800 таси вафот этди. Овқатда витаминлар йўқлиги душман қуролидан кучлироқ ва хавфлироқ бўлиб чиқкан эди<sup>1</sup>. Яна бир мисол, 1912 йилда Алеут оропларига тозаланган озиқ-овқат маҳсулотлари (шакар, ун, консервалар) олиб кирилгандан сўнг, болаларда тезда тиш кариеси тарқалди. 1924 йилга келиб эса, Алеутнинг деярли бутун ёш аҳолиси кариесдан азият чекарди<sup>2</sup>. Овқатланиш тартибининг бузилиши саломатлик сақланишида салбий роль ўйнайди. Бу нарса бир кунда овқат қабул қилиниши сонининг тўрт-беш маҳалдан икки маҳалгача камайишида, кунлик рационнинг нотўғри тақсимланишида, овқатланиш тартиби орасидаги интервалнинг 4–5 тадан 7–8 тагача кўпайишида ўз аксини топади. Овқатланиш одоби ҳалқ ҳикматларида: «Кечки тановулни қисқартир – умрингни узайтири», «Оқилона овқатланиш – узоқ яшаш» каби зътироф этилгандир.

Хуроса шуки, Ўзбекистон Республикасида оиласлар ижтимоий ҳимоясининг асосий мақсади – ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялашда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратишдир. Юртбошимиз Ислом Каримов, «... Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир»<sup>3</sup>, – деб таъкидлаган эди. Шундай экан, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш – энг шарафли вазифадир. Шундагина аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлаган бўламиз.

<sup>1</sup> <http://www.erudition.ru>

<sup>2</sup> <http://www.erudition.ru>

<sup>3</sup> Каримов И.А. Соғлом ҳалқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўллади// Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. 125-бет.

Хуллас, соглом турмуш тарзи инсон маънавий камолоти, жисмоний ва бадан тарбиясидан ташқари, унинг ақлий ва гўзаллик тарбияси, шунингдек ахлоқий, руҳий тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маънавий тарбиянинг энг таъсирчан қуроли унинг ўзаги – ахлоқий қадрият ҳисобланади. Шу боис, турмуш тарзининг ахлоқий асосларини янада юксалтириш кишиларда эркин ва эзгу фикр билан яшаш, ўз фаолияти, хатти-ҳаракатини эзгулик, инсонпарварлик, мурувват, адолат ва саховатли, савобли ишларга қаратиш руҳини уйғотади. Ҳаётда умид ва келажакка ишонч билан яшаш ҳиссини камол топтиради. Янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантиради, умуминсоний ва миллий қадриятларнинг юксак ижтимоий ва ахлоқий маҳиятини англаб етиш имконини яратади.

---

## **МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АЛОҚАДОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

### **1. Шарқ маънавий тафаккурида ахлоқий қадриятлар ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларининг кўйилиши**

Кишилик жамиятининг илк даврларидан бошлаб шахс ва жамият муносабатлари масаласи, соғлом авлод тарбияси ва у билан узвий боғлиқ ижтимоий тараққиёт, жамиядта ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш масалалари ҳаммавақт илғор фикр згаларининг диққат марказида бўлиб келган.

Инсон ахлоқий қиёфасининг шаклланишида буюк аждодларимиз маънавий меросининг ўрни бекиёсдир. Уларнинг пурмаъно ҳикматлари, олийжаноб фазилатлари, саҳоватпешалиги, дидактик ҳикоялари, доно маслаҳатлари ва улар ҳақидаги ибраторумуз ривоятлар таълим-тарбиянинг битмас-туганмас манбаидир. Одамлар мураккаб вазият ва шароитда доимо донишманларнинг «дўстона кўмаги ва қўллаб-куватлаши»га таянадилар, улардан маънавий-рухий мадад олиб турадилар, ўзларининг хулқ-атворларини, яхши ёки ёмон сифатларини уларнинг ҳаётий тажрибасига, ўгитларига, панд-насиҳатларига қиёслайдилар, улардан фойдали хулоса чиқариб олишга уринадилар.

Шарқоналиқ – инсоний қадр-қўмматни юксак тутувчи, ахлоқ-одоб, жамият, табиатга муносабат, илм-маърифат бобида фидойи шахсларни тарбиялаш, миллатни чукур англовчи, ҳалқнинг тили, рухи, феъл-атвори ва анъаналарига онгли равишда амал қилувчи, тарихий-этник илдизларини пухта билган, миллатдошларнинг ўтмиши, бу-

гуни ва истикболидан фахрлана оладиган инсонларни етиштиришни назарда тутади. Шарқоналиктининг шаклий жиҳати хусусида шуни айтиш лозимки, у замон ва макон билан чамбарчас боғлиқ.

Инсоннинг ижтимоийлашуви оиласдан бошланишини ҳисобга олганимизда, шахснинг комил инсон бўлиб шаклпанишида оиласнинг ўрни бекиёсдир. Зоро, қадимдан оила бежиз муқаддас саналмаган. Инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур қила олмайди ва айнан мана шу оила муҳитида у жамият аъзоси сифатида тарбия топади. Оиласдаги тарбия муҳити, аввало, оиласвий муносабатлар маданиятига боғлиқ бўлади. Яъни, ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро яхши муносабати, қарияларга ҳурмат-эътибор, ота-онанинг фарзандлар тарбиясига ўта масъуллиги, оиласда ўрнатилган намунали тартиб ва ижобий урф-одатлар, ота-онанинг меҳнатга, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига тўғри муносабатда бўлиши кабилар оиласвий муносабатлар маданиятининг нозик қирралариdir. Буларнинг қай бирида мутаносиблик бузилса, демак, ўша оиласдаги соғлом муҳитга путур етади ва носоғлом муносабатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади<sup>1</sup>.

Шу сабабли оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Оила – кишиларнинг табиий биологик муносабатлари, уй-рўзгорни бошқариш, хуқуқий никоҳни фуқаролик ҳолатларида қайд этиш, маънавий эр хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳабbat туйғуси ва шу каби муносабатларга асосланган бирлик<sup>2</sup>. Оиласвий муносабатлардаги ҳар қандай ҳолатлар (салбий, ижобий) болаларнинг руҳий, маънавий ривожланишига таъсир этади. Зоро, оиласда шахснинг ин-

<sup>1</sup> Тиллаевва Г. Оила муҳитини согломлаштириш – давр талаби. –Т.: Фалсафа ва хукуқ, 2006. 10–11-бетлар.

<sup>2</sup> Қисқа фалсафий изоҳли луғат. –Т.: «Шарқ». 2002; Холматова М.Ҳ Оиласвий муносабатлар маданияти ва соглом авлод тарбияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 217-бет; Муравьевва Н.М. Особенности повышения социального статуса женщин Узбекистана // Диссертация на соискание учёной степени кандидата философских наук. –Т.: 2002 г.

сонийлик, қатъиийлик, бурч, меҳнатсеварлик, самимиийлик, камтарлик каби ахлоқий хислатлари шақпланади. Шундай экан, бунда, албатта, Президентимизнинг 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиши оила муқаддаслигини, жамиятнинг асосий бўғини эканлигини исботлайди.

Бола тарбиясида ота-онанинг бир-бирига муносабати, ўзларини тута билишлари муҳим. Катталарга ҳурмат, кичикларни иззат, бир-бирига меҳрибонлик, айниқса аёлларни иззат қилиш одатга, қоидага айланиши лозим. Болаларга отани ҳурмат қилиш, унга меҳрибон бўлишни ўргатиш отанинг вазифаси саналади.

Одатда ўғил бола отасига, қизлар эса онасига ўхашашга, улардаги яхши хислатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қиласиди. Ота ҳам, она ҳам баб-баравар болани тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Шу тариқа манфаатлари умумий бўлган аҳил оиласида яхши одат, анъаналар вужудга келади, соғлом мухит, меҳр-оқибат, қадр-қиммат замини яратилади. Болаларнинг яхши тарбия топишлари учун шароит вужудга келади.

Оиладаги эр-хотин ўртасидаги юксак муносабат маданияти болаларни қувноқ, хушчақчақ ўсишларига, тўғри тарбияланишларига, хонадонда соғлом мухит яратилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Қайси оиласида ноаҳиллик, қўполлик, дўй-пўписа, асабийлик ҳукмрон экан, унда ҳаловат ҳам бўлмайди. Оиладаги арзимаган жанжал ҳам даставвал болаларнинг психик ҳолатига таъсир қиласиди, уларда ёмон одатлар ҳосил бўлишига олиб келади. Болалар улғайгач, улар ҳам «қўш уясида кўрганини қиласиди» қабилида иш кўришади. Шу босис, оиласида соғлом мухитни сақлаб қолиш учун ота-она бир-бирини беҳурмат қиласлиги, обрўларини туширмаслиги, оиласий низоларни бола йўқ вақтида бартараф этишлари лозим.

Қомусий аллома ва ажойиб мутафаккир Абу Али ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980–1037) Шарқ ҳалқлари орасида «Шараф ул-мулк» ва «Шайх ур-раис» каби

мартабали унвонларга мұяссар бүлгән буюк шахсdir. Ибн Сино: «Ахлоқ – инсонларни яхшиликка чақирудың, ёмонлиқдан қайтарудың бир илмидir», дейди. Ибн Синонинг таълим беришича, инсон камолотининг шаклланишида жамият ва оиланинг роли беҳад мұхимдир. Инсон Тангри таоло томонидан ожиз қилиб яратилған. У жисмонан күпчилик ҳайвонлар билан рақобатта кириша олмайды. Лекин шунға қарамасдан, у барча ҳайвонлар орасыда ўзига хос эътиборлы ўрин әгаллайды. Инсон илоҳий қарамдан баҳраманд бўлиш, оламда тегишли тартиб ўрнатиш ва уни обод қилишга ваколат олган улуғ зотдир. У ўзининг ташқи қиёфаси, тузилиши, жуссаси билан ҳайвонлардан тубдан ажралиб туради. Кўп ҳолларда жисмонан кучли, бақувват бўлған ҳайвонлардан инсон зоти устунлигининг боиси нимада, деган савол туғилади. Ибн Синонинг фикрича, Тангри таоло инсонга шундай куч-қудратни инъом этдики, у орқали эзгулик, яхшилик («хайр»)ни ёмонлик («шарр»)дан, ақлий камолот, етуклиқ («рашад»)ни ёлғон-яшиқ, адашув («гумроҳлик»)дан фарқ эта олиш имконияти пайдо бўлади<sup>1</sup>. Абу Али Ибн Синонинг фикрича, гўзаллик ва ахлоқий камолотга интилиш инсонга хос хусусиятдир. Инсон ўз фаолияти, яъни турмуш тарзида ақл билан ахлоқий фазилат муштараклигига эришса, у донишманд ва олийжаноб шахсга айланади. Саъй-ҳаракатига қараб орзу-умид ва мақсадига ета олади. Одамнинг қадри – ўзаро ҳамкорлик, яхши ахлоқий фазилатларга эга бўлишга интилиш, донолиги, бошқаларга яхшилик қила олишидадир<sup>2</sup>.

Воиз Кошифий, «тартибли овқатланиш, орасталик, дам олиш, суҳбатлашиш инсонларга хос хислатдир», деган гояни илгари суради. Бизнинг фикримизча, инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча махлукотлардан афзалдир, ақл – инсонларнинг пири

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. «Тадбир-з манзип». – Техрон, Хуршидий. 1319 й. 4-бет.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-китоб. –Т.: «Мерас», 1993. 5-бет.

комили, муршиди ягонасикур, рух ишловчи, ақл бошловчидур, илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажоти экан, ақл ва нафснинг жилови ушланса, инсонни ёмон иллатлардан сактайти. Дарҳақиқат, жисму тан саломатлиги, ақл теранлиги ва ахлоқ мукаммаллиги соғлом турмуш тарзининг асосидир.

Хозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришдан мақсад, маънавий баркамол ёшларгина буюк келажакни яратадилар. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни тарбиялашда соғлом турмуш тарзини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Абу Али ибн Сино биринчилардан бўлиб табиий муҳит ва инсон ҳаётининг ўзаро муносабатларини таҳрир қилиш заруратини теран англаган. Инсон ҳаёти, унинг сиҳат-саломатлиги ташки муҳитнинг инсон организмига таъсирига боғлиқдир. Бундай шароитларга об-ҳаво, турар жой, унинг хусусиятлари, йил фасллари ва уларнинг ўзгариб туриши киради. Инсон организми фаолияти учун муҳим бўлган омиллардан бири турар жойдир. Улар одам гавдасига қуидагича таъсир кўрсатади: «У жойларнинг баландлик ёки пастлиги, ёки уларга яқин жойда тоғ (баландлик, пастлик)ларнинг бўлиши; тупроқларнинг қандай бўлишилиги, яъни улар тоза тупроқликми, ботқоқликми, лойликми ёки (тупроқда) маъдан қуввати борми? Бундай сабабларга яна сувнинг кўп ёки озлиги, у жойнинг яқинида дараҳтлар, конлар, қабристон, ўлганҳайвонлар ва шунга ўхшаш нарсаларнинг борлиги ҳам киради»<sup>1</sup>. Хуллас, инсониятнинг ilk тараққиёт босқичидан ҳозирги давргача соғлом турмуш тарзи унинг ижтимоий муносабатида алоҳида аҳамият касб этади.

Демак, инсон ақл-заковат соҳиби эканлиги, табиатда ўзига хос ўрин эгаллаб туриши туфайли барча тирик мавжудотлар салтанатига ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини кўлга киритади. У ақл нури орқали табиатда содир бў-

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунпари. Уч жилдли сайланма. 1-жилд. –Т.: Халқ мероси нашриёти, 1992. 45-бет.

ладиган тасодифий ҳодисалар, ҳар қандай ўзгаришлар хукмидан озод, ўз амалий ва назарий фаолиятини «донолик тарозиси» талабларига бўйсундирган шахс сифатида амалга оширади.

Ибн Сино, ақл-фаросат мавжудлиги боис инсон ҳаёти, кишиларнинг турмуш тарзи ҳайвонларнинг ташки мухитга мослашуви ва яшаш тарзидан тубдан фарқ қилиб туради, дейди. Унинг фикрича, инсон борган сари ўта мазмунли, яхши ва гулогун бўла боради. Илмга чексиз рағбат, сабр-қаноат, кундаплик ҳаёт қийинчиликлари, машмашаларини сабр-бардош ила енга билиш, мақсад сари доимий интилиш, ўз меҳнати самарасини кутиш – ақл, донолик билан ҳамкор ва ҳамнафасдир. Бу борада инсон ғаройиб чехра, ташки қиёфа соҳиби бўлибгина қолмасдан, балки шу билан бир қаторда, юксак ахлоқий қадриятларнинг бевосита ижодкори ҳамдир.

Ўрни келганда шуни минг афсус билан таъкидлаш жоизки, айрим ота-оналар фарзандларини тарбияламай, балки вояга етказмокдалар. Яъни, фарзандларини фақатгина кийим-кечак билан таъминлаш, қорнини тўйғазиш орқали улар олдидаги бурчларини бажарайпмиз, деб ўйлайдилар. Бизнинг фикримизча, Ибн Синонинг инсон маънавий камолоти унинг ўзига боғлиқ, деган хуносаси илоҳиёт илмининг билимдони, тасаввуфчи Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақоийқ» («Ҳақиқат қаймоги») ва замонасининг етук адаби ва шоири Зайниддин ибн Абдужалил Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарларида ҳам ўз аксини топгандек туюлади. Азизиддин Насафийнинг фикрича, инсоннинг руҳий даражалари улар қандай ҳолатда яратилган бўлса, шундайлигича қолади. Бунинг оқибатида айрим ёшларнинг хатти-ҳаракатида бокимандалик, ўзибўларчилик, қўполлик каби хислатларни кузатиш мумкин. Шундай ҳолатлар кузатилган оилаларда илм олиш, қалб гўзаллиги охирги даражада бўлиб, кийиниш, ташки гўзалликни эса қадрият сифатида тан олишлари аччик ҳақиқатга айланмоқда. Зеро, бундай оилаларда тарбия топган қизларнинг яримяланғоч, тор шимда юриш, киндиги кўринадиган ки-

йимлар кийиши ва соч кесишни замонавийлик белгиси деб тушунишлари ачинарли ҳол. Эслатиб ўтиш жоизки, тор кийим кийиш – инсон аъзосидаги қон айланиш тизимининг бузилишига олиб келади. Аслида, сочнинг узунлиги ва қалинлиги қизларнинг соғломлиги, одоблилиги, гўзаллиги рамзи ҳисобланган. Бундай камчиликлар қизларнинг назокатли ҳаёси, кийиниш маданиятининг бузилишига, ўғил болаларда ғурур, мардлик, жасурлик, бир сўзлик фазилатларининг йўқолиши ва интизомнинг бузилишига олиб келади. Бундай ёшлар ҳақида А.Фитрат ўзининг «Раҳбари нажот» асарида: «Халқ баҳти учун курашмаган ёшлар бўшанг, жасоратсиз»<sup>1</sup>, – деган фикрни билдиради.

Зайнiddин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарининг «Ҳамасай мутаҳайири ҳикояти» бобида: «Истеъдод, яъни илм ва ахлоқ-одоб жабҳасидаги етук инсон бўла олиш қобилияти туғма, зотими ёки у таълим-тарбиянинг бевосита маҳсулими», деган масалани кўтаради. Унинг ҳикоя қилишича, султон Маҳмуд Ғазнавий билан унинг вазири Ҳасан Маймандий ўртасида узоқ вақт давомида мубоҳаса ва мунозара бўлиб борар экан. Султон Маҳмуд қобилият ва инсон истеъдоди одамда зотий, туғмадир, унинг табиатида азалдан мавжуддир деса, Ҳасан Маймандий эса бошқача фикрда бўлиб, одам қанчалик даражада ноқобил ва бесалоҳият бўлмасин, у мураббий тарбияти ва ғамхўрлиги туфайли истеъдод топа олади, дер экан.

Кунлардан бир кун улар шикорга чиқишиди ва ногаҳон таажкубланадиган воқеага гувоҳ бўладилар. Тоғ тепасидаги бир туп ёнғоқ дарахти шоҳига миниб олиб, ўша шоҳни хотиржам тарзда арралаётган кимсага кўзлари тушади. Суриштириб билишса, у кўҳистонлик Абдулвосеъ Жабалий деган одам экан. Шунда Султон Маҳмуд Ҳасан Маймандийга: «Кибру ҳавони йигиштириб, мана бу дарахт тепасига бок. Бу одамни мушоҳада қилиб кўр. Инсоф билан айтчи, шу одамга тарбия қандай таъсир қилсин?» –

<sup>1</sup> Ҳасанбоева О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. –Т., «Ўқитувчи», 1997. 321-бет.

дейди. Ҳасан Маймандий эса ўз фикрида қатый туреб: «Агар тарбият топса, шу бўлишида ҳам олам нодири бўлади», – деб жавоб беради. У Абдулвосеъни келтириб, ўз мулозаматидаги шоир ва фозиллар ихтиёрига топширар экан, у билан асло насрда сўзламасликни, нима ҳақда бўлмасин доимо назм ва вазнда сўзлашларини буюради.

Орадан муайян муддат ўтади. Абдулвосеънинг мураббийлари унинг билан бирга сахро сайилига чиқишган эдилар, пахта пайкалининг чеккасида турган түяни кўрган Абдулвосеъ:

*Уштуро, қажгардано, донам чи хоҳи кардано.*

*Гардан намуди каж магар панба бихоҳи кандано,*

яъни, «Эй, эгри бўйин түя, нима қилмоқчи эканлигингни биламан. Гарданингни ҳам қилиб пахта юлмоқчисан»<sup>1</sup>, – дея хитоб қиласди. Бундан хабардор бўлган Ҳасан Маймандий Абдулвосеънинг бу мисраларини йирик ҳарфлар билан ҳаммом иссиқонасига, Султонга кўринадиган жойга ёзиб қўйишни буюради. Бир куни Султон ҳаммомга кириб, сартарош соқол-мўйловини тарошлаётганида унинг кўзи бу мисраларга тушиб, уни овоз чиқариб ўқий бошлиди. Бундан саросимага тушиб қолган сартарошнинг кўлидан устара ерга тушиб кетади. Султон бунинг сабабини суриштириб билса, ғаразгўй амирлар Султоннинг укаси билан ўзаро тил бириктириб, унинг жонига қасд қилмоқчи эканликлари, бу вазифани ижро этиш сартарош зиммасига юкланганлиги маълум бўлиб қолади.

Ибн Синонинг асарларида, жумладан «Тадбир-э манзил» рисоласида ҳам «инсон табиати азалдан ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмайди», деган ғоя мухим аҳамият касб этади. Аслида одамлар тайёр фазилат, одат ва ҳаётий қўнималар билан тутғилмайдилар. Бундай хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётида секин-аста шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аждодлар анъаналари, эл-юрт урф-одатлари, расм-руссумлари, таълим-тарбиянинг таъсири остида шаклана боради. Таълим-тарбия

<sup>1</sup> Зайнiddин Восифий. Бадоеъ ул-вақоєъ. –Т.: 1979. 191–192-бетлар.

ўзгаларнинг маънавий таъсири остида инсон ўзида ижобий ахлоқий фазилатлар, хисплатларни шакллантиради ёки «ёмон дўстлар», яъни ўзининг салбий иллатлари, одатлари оқибатида худбин кайфиятларга берилади, уларнинг соҳибига айланади. Бунда шаклланган одатнинг таъсири бекиёсдир. Шахс камолотида ижобий фазилатлар ва одатларни қарор топтириш қанчалик қийин ва мушкул бўлса, инсон маънавий қиёфасига чирмашиб олган салбий жиҳат ва одатлардан халос бўлиш эса бундан ҳам мураккаброқдир.

Кишини комил инсон қилиб шакллантиришда амал қиласидиган инерцион ҳолат жараён истиқболига таъсири этса-да, ўз навбатида таълим-тарбиянинг қатор амалий ва назарий имкониятлари ҳам чексиздир. Лекин уларнинг рўёбга чиқиши инсон ва жамиятнинг реал имкониятларига боғлиқдир. Кимки ўз камчиликларини испоҳ қилишни дилдан истаса, ўз мижозига хос конкрет салбий сифатларни яхши билиб олмоғи зарур бўлади. Бордию бу талабга амал қилинмаса, бундай одамнинг ҳар қандай саъй-ҳаракатлари зое кетади, ҳеч қандай самарали на-тижага эриша олмайди. Оқибатда сўз ва амал бирлигига птур етади.

Шу билан биргаликда инсон муайян жамиятнинг маҳсулидир. Инсон уни курсаб олган кишиларнинг бевосита таъсирида яшайди, таълим-тарбия олади, вояга етади ва шахс бўлиб шаклланади. Агар жамиятнинг бу таъсири хосиятли бўлса ва инсон унинг маънавий-ахлоқий талабларини ўзи учун бегона деб билмаса, унинг маънавий камолоти тезлашади. У ортиқча қийинчиликларсиз, бехуда саъй-ҳаракатларсиз ўз камчиликларидан халос бўла боради, ахлоқан ҳалол-пок инсон сифатида вояга етади, унда юксак ахлоқий фазилатлар ва ақлий-интеллектуал камолот бирлиги, муштараклиги ғолиб келади. Бундай илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги ҳар қандай таълим-тарбиянинг ягона мақсади бўлиб қолиши муҳим аҳамиятга моликдир.

Ибн Сино ижтимоий-фалсафий ва тарбиявий фикрлар тарихида биринчилардан бўлиб оила ва унда аёлларнинг

бала тарбиясидаги ўрнига зиёлиларнинг эътиборини жалб этган буюк мутафаккирдир. У исломий анъаналар ва машхур алломалар маънавий меросидан илҳомланиб, оиласда эр хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат-иззат, ба маслаҳат иш тутиш, самимий оиласвий муносабатлар таълим-тарбия самарадорлигининг асосий негизидир, деган назарий хуносага келган. У ўн етти хислат-фазилат соҳибаси бўлган аёлни идеал мураббий сифатида эътироф этади. Буларга аёлнинг оқила ва иймон-эътиқодлилиги, шарм-ҳаёлилиги ва ор-номуслилиги, зийрак ва фаросатлилиги, ёқимтойлиги, ўз эрига меҳр-муҳаббат қўйғанлиги, юзга чопмаслиги, эзма бўлмаслиги, итоаткорлиги, дилининг поклиги, эри орқасидан ғийбат қилмаслиги, покизалиги, вазминлиги, жиддий ва улуғворлиги, эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла олишлиги, меҳрибонлиги, сабр-қаноатлилиги каби фазилатлар киради<sup>1</sup>.

Аёл киши оиласда эрига муносиб, ҳаётда унга содик ва ҳамкор бўлмоқлиги даркор. У аслида оиласда баҳтсаодатнинг ишончли таянчи-тиргаги, фарзандлар тарбиясида эзгу мақсадларга эришишнинг синалган кўмакчиси саналади. Бу талабга амал қилингандা оиласда ҳузур-ҳаловат, келажакка ишонч қарор топади, фарзандлар тарбиясининг янги қирралари намоён бўла боради, чунки фарзандлар аксарият ҳолларда оиласда катталарга тақлид қиладилар, уларга ўхшашга мойиллик сезадилар. Ибн Синонинг бу ғояси ниҳоятда муҳим ва эътиборлидир. Муошарат одоби (турмуш одоби) туфайли оила баҳтсаодатга эришади, тарбияси мақбул фарзандлардан улуғ зотлар етишиб чиқадилар ва жамият маънавиятини бе заб турадилар. Гўзал турмуш – роҳат-фароғат билан умр ўтказишдир. Кўркам турмуш эса ҳусни ҳулқа боғлиқдир. Бу ҳулқ туфайли қисқа умр жаннатга, бузук ҳулқ сабабли зса, ҳатто узун умр дўзахга айланиши ҳеч гап эмас.

Ибн Сино илк оиласвий таълим-тарбияни Қуръони каримни, диннинг мақсади ва тилнинг грамматик қонун-

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. «Тадбир-э манзил». 41-бет.

қоидаларини күнт билан ўрганишдан бошлишни маъкул деб билади. Бола ўз она тилининг, хорижий тилларнинг қонун-қоидалари ва грамматик асосларини аста-секин эгаллаб олиб, тиббиёт ва геометрия каби зарур бўлган илм соҳаларининг ўта муҳим жабҳаларига кириб бориши лозим. Ўрганилаётган соҳаларни ёд олиш, уни хотирада саклаш ва кези келганда тез-тез такрорлаб туриш билим ва тарбияда муҳим ўрин эгаллайди. Улар бола хотирасини мустаҳкамлайди, китобга бўлган қизиқиши жонлантиради, илмлар сарчашмасига кириб боришни таъминлайди, тарбияланувчида муайян тартиб-интизомни шакллантиради ва баҳс-мунозара юритиш маданиятини бекиёс даражада юксалтиради.

Билимдонлик бола таълим-тарбиясининг барча нуқта ва босқичларида муҳим ва зарурдир. Биринчидан, ўз билимлари, ҳаётий кўникмалари туфайли ота-оналар уддабуронлик билан зукко тарбиячи-мураббийларни танлаб олиш имкониятларига эга бўладилар, чунки тарбиячининг ўзи биринчи галда ахлоқ-одоб бобида бошқаларга намуна, ўрнак бўлмоғи ва унинг турмуш тарзи рисоладагидек бўлмоғи шартдир. Тарбиячи эркак ёки аёл бўлишидан қатъи назар, соғлом, зукко, ақлли бўлса, мўлжалланган мақсадга эришиш осон кўчади. Мақсадга эришиш борасида бир хил тадбирни қўллаш доимо ҳам кутилган натижани, самарани беравермайди. Тарбиячи (вазиятдан келиб чиқиб) баъзан болани жазолаб, баъзан эса рағбатлантириб туриши лозим. Фурсати келган вақтда уни мақтаб, баъзан эса қаттиққўллик қилиб, ўз вақтида камчиликларини кечириб бориши маъқулдир»<sup>1</sup>, – деб уқтиради Ибн Сино.

Иккинчидан, билимдонлик тарбиячига сув ва ҳаводек зарур ва фойдалидир. Тарбияланувчини тўғри йўлга йўналтириш йўл-йўриқлари, услугуб ва воситаларини яқол ҳис қилиб туриш ақл-фаросатли кишининг тадбиркорлигидан далолат беради. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сина. О домоводстве // Антология педагогической мысли Узбекской ССР. –Т.: «Фан», 1986. С. 85.

йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида, «Ҳар бир касбнинг ўз соҳиби, ўз устаси бўлади. Дунёда касбхунар кўп, аммо ҳақиқий касб эгаси, ҳақиқий касб соҳиби кам учрайди»<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, таълим-тарбия соҳаси ўзига хос тилсимот оламидир. Тарбиявий ишларда оддий сўззамоллик, мавхум панд-насиҳатлар, сийқаси чикқан сўз ва ибораларни ўйлаб-нетмай ишлатавериш тарбиянинг заволидир, унинг ҳосиласи қайғу-ташвишдан иборатdir. Панд-насиҳатлар тарбияланувчининг танҳолик, руҳий хотиржамлиги қулай вазиятда олиб борилса, кутилган натижага эришилади. Унинг томонидан йўл қўйилган камчиликларга келсак, уларни хаспўшлаб ўтиш ярамайди. Уларни очик-ойдин тузатишга ундаш, бу камчиликларни кўрсатиб бериш, бартараф этиш, яъни барча чора-тадбирларни белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир. Тарбияланувчининг йўл қўйган камчиликларини тузатиш ниятида салбий мисоллар ва намуналардан фойдаланиш маъқул эмас. Бордию тарбияланувчида сўз тилсими ва қабул қилинган тадбирлар қизиқиши, иштиёқ уйғота олса, таълим-тарбия замини тайёр, бемалол муддаога ўтиш мумкин.

Учинчидан, ўз хулқ-атворидаги жиддий қусурларни бартараф этишни, ўзида юксак инсоний хисплатларни шакллантиришни дилдан орзу қилган ҳар бир киши ҳақиқий илмга муҳтождир. Бундай ўта мураккаб вазиятда йўл қўйилган шошқалоқлик, муроҳазасиз хупосалар чиқариш салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун «инсон ақл-заковати унинг ташқи қиёфасини доимо кузатиб бориши ва ўзининг хулқ-атвори муайян меъёр-чегарада эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим»<sup>2</sup>.

Мухтасар қилиб айтганда, буюк аллома ва мутафаккир Ибн Синонинг инсон таълим-тарбиясида жамият ва оиланинг ўрни борасидаги ғоялари тарихий тажриба сифатида ниҳоятда қизиқарли ва эътиборлидир. Улардан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. –Т.: «Ўзбекистон», 1994. 172-бет.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сина. О домоводстве // Антология педагогической мысли Узбекской ССР. –Т.: «Фан», 1986. С. 85.

таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш Ўзбекистоннинг таянчи бўлмиш келажак авлодни интеллектуал салоҳиятли ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб ётишишига хизмат қилади.

Бизгача етиб келган манбалардан маълумки, Шарқ оиласаридағи қизлар ота-онага итоат, катталар билан мулоқотда ўзларини вазмин тутиши, эркак кишининг юзига тик боқмаслик, осойишта оҳангда сўзлаш каби хисплатлар руҳида тарбияланганлар. Зеро, бундай тарбиядан кўзланган асосий мақсад – оила мұхитида шарқона одоб-ахлоқ ҳамда маънавиятнинг устуворлигини таъминлашдан иборат бўлган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган далилларни фақатгина оила мисолида әмас, балки жамият нуқтаи назаридан назорат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юсуф Ҳожиб соғлом турмуш тарзига мамлакат мансабдорларининг хулқини назорат қилиш орқали зеришиш мумкинлигини эътироф этиб, бекларнинг хатосини тузатувчи дори-дармон ҳам ақл ва билимдир. Кимда-ким бузук феъл бўладиган бўлса, уни замона ўқи қаттиқ ярадор қилади. Ярамас қилиқли кишидан омад ҳам юз ўгиради, у ғамга гирифтор бўлади<sup>1</sup>, – дейди. Алломанинг фикрича, мамлакат бошлиғи бўлиш учун кишининг тагтуби асл, насли тоза, соғ, андишали, покиза хулқли, ақлидроки чексиз бўлиши, шошилмаслиги, енгил-елпи ишларга ҳавас қилмаслиги, жаҳлдор бўлмаслиги, ҳар доим ҳушёр бўлиши, ғаффлатда қолмаслиги, ёлғон гапирмаслиги шарт<sup>2</sup>. Сўзидан қайтадиган бекка умид тутма: тириклигинг бекор кетади, ўзинг ўқинч оласан. Бек соғ, ҳушёр, сергак бўлиши лозим. Улар ғофил бўлса, бало ёндошади. Эл учун икки нарса мустаҳкам таянчdir: бири – ҳушёрлик, бошқаси адолат. Шу иккаласи эл омонлигининг илдизидир. Қайси бек ҳушёр бўлса, элни мустаҳкамлайди, ёв бўйинни яншиб, унинг устига балолар ёғдиради. Қайси бек элида тўғри (одил) сиёсат юритса, элинин яшнатади,

<sup>1</sup> Юсуф Ҳожиб. «Қутадғу билиг». –Т.: 1990, 44–45-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба.

унинг кунларини ёритади. Мана шу икки нарса тугал бўлса, эл ҳам мангу тураверади. Ҳушёрлик элни ортиради. Ғофиллик бекликни бузадиган йўлдир. Шунинг учун ҳушёр бўлиш, ёв бўйинни янчидан ташлаш лозим, токи у эл-юртга дахл қила олмасин<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, жамиятда тинчлик-тотувлик ҳукмрон бўлиши учун унинг раҳбари гўзал хулқлар кишиси бўлмоғи лозим. Акс ҳолда мамлакат инқирозга юз тутади.

*Нодонга раҳбарлик қилса гар доно,  
Илмидан ишлар ҳам бўлади въло,  
Доно сұхбатидан бош тортса нодон,  
Даврондан яхшилик кўрмас ҳеч қачон.  
Шоҳ ғавар бўлмаса билимдан ҳоким,  
Жаҳл ботқоғида бўлур у муқим,  
Ёғар ундан доим жаҳолат, ўлим,  
Эп бошига тушвар надомат, зулм<sup>2</sup>.*

XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий ўзининг «Зубдат ул-ҳақойик» («Ҳақиқат қаймоғи») асарида: «Тақдири азални ўзгартириб бўлмас экан, ҳар бир инсон азалдан белгилаб қўйилган мақомидан ўзиб кетиши мумкин эмас. Руҳлар бу оламга келиб, ўз сўзлари ва ишларида ўзгаришсиз қолади. Уларнинг ҳар бирида «аввалдан маълум меъёр бор, ундан ошиб кетиш мумкин эмас. Бу шуни кўрсатадики, бу дунёга келган ҳар бир рух муайян чегарага эга бўлади»<sup>3</sup>, яъни аввалги маълум мақоми бўйича унинг жисм ичра қанча вақт давомида бўлиши, қанча нафас олиши, қанча еб-ичиши, қанча сўзлаши, нималарни ўрганиши, ўйлаши ва ҳоказолар олдиндан аниқ ва равshan қилиб белгилаб қўйилган бўлади, – дейди. Лекин Азизиддин Насафий бундай фикр-мулоҳаза ҳикмат аҳли (яъни, файласуфлар) фикрига зид эканлигини жуда яхши билади. Уларга кўра, одамларнинг сўзлари ва фаолият-ишлари учун «олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. Билим ва бойликка

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. «Қутадгу билиг». – Т.: 1990. 44–45-бетлар.

<sup>2</sup> Абдураҳмон Жомий. Искандар ҳаридномаси. Кўрсатилган китоб. 189-б.

<sup>3</sup> Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойик (Ҳақиқат қаймоғи). – Т.: «Камалак», 1996. 10–11-бетлар.

эга бўлиш одамнинг саъй-ҳаракатига боғлик<sup>1</sup>, – дейилади. Шундай экан, одам қанча кўп ғайрат қилса, билими ва даражаси шунча ортади. Яхшилик ёки ёмонлик қилиш, кам ейиш ёки кўп ейиш инсон иҳтиёридаги иш, инсон қанча меҳнат ва куч сарфласа, шунча имкон топади.

Оиладаги тотувлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва ёрдам, ширинсуханлик, меҳнатсеварлик ва тўғрилик болага ижобий таъсир қиласиди<sup>2</sup>. Қаерда оила, оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муazzам бўлади. Шундагина нафақат оила, балки жамиятимиз ижтимоий муҳити соғлом, фаровон бўлади. А. Насафий «Инсони комил» рисоласида комил инсонга таъриф бериб, шундай ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамларга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуидаги тўрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши феъл, яхши сўз, яхши ахлоқ ва маориф». У келтирган ушбу таърифдан комил инсон бўлиш ҳар томонлама ривожланган ва унда тўрт нарса камолотга етган бўлишини таъкидлаб, яхши хулқ, яхши характерга эга бўлиши, нутқи равон, маданиятли ва илм-фанда илм чўққиларини яхши эгаллаган бўлиши кераклигини уқтиради. Шунингдек, А. Насафий инсон камолотининг белгиси сифатида икки нарсани асос қилиб кўрсатади: биринчиси – ахлоқ, иккинчиси – ўз-ўзини англаш. Шу сифатларни ҳисобга олиб, Насафий назарида инсон ҳамма ахлоқий сифатлар билан безангандан ва ўз-ўзини англаш, яъни «мен»ини билиш инсон камолотининг белгиси сифатида, «Бинобарин, инсоннинг камолотга эришиши ҳамда ахлоққа эга бўлиши ўз-ўзини англаш билан амалга ошади», – деган хуносага келади.

<sup>1</sup> Тиллаев Г. Оила муҳитини соғломлаштириш – давр талаби. –Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ», 2006. 29 бет.

<sup>2</sup> Ўша манба.

Сайид Қосимий оилада фарзандни комилликка етказиша «унинг маънавий жиҳатдан комилликка етишиши»ни тушунади. Мутафаккир ўзининг «Мажмаъ ул-ахбор» («Хабарлар тўплами») асарида:

Бўйла талаб йўлиниа қўйсанг қадам,  
Факру фано баҳрида бўлсанг адам.

Яъни, «Комиллик йўлига қадам қўйсанг, нафсоний орзулардан воз кечиб, тасаввуф маърифатига ғарқ бўлишинг керак», – дейди. Демак, инсонни комилликка етишишидаги дастлабки талаб илмдир. Тасаввуф файласуфларидан бири Жуллобий Хужвирий (XI аср) ўзининг «Кашф ул-маҳқуб» асарида «факру фано» тушунчасини «мутлоқ ҳақиқатлардан сабоқ берувчи илмларни згаллаш», деб изоҳлайди. Зоро, Сайид Қосимий ҳам инсонни комилликка етишиши учун уни аввало илм билан қуроллантириш керак, деган қарашни илгари суради. Чунки юқорида номлари зикр этилган мутафаккир алломалар илм туфайли ўзларининг номларини тарих зарварақларида қайд этганлар ва ҳозирги кунгача уларнинг ўйтларидан биз қимматли маслаҳатлар сифатида фойдаланиб келмоқдамиз. Мутафаккир Сайид Қосимий «Ҳақиқатнома» асарида шунга ишора қиласди:

Назар қил аҳли диллар дарду ҳолин,  
Маъоний дарси ичре қилу қолин.

Яъни, «Азиз кишиларнинг ҳаётига назар қилсанг, улар турли илмларнинг маъносини англаганлиги туфайли шу даражага етганлар». Демак, илм олишда таълим берилаётган ҳар бир нарсанинг маъносини чуқур таҳлил этиш лозим. Чунки берилган таълимнинг маъносини тушуниб етмас экансиз, шунчаки китоб ўқиш ва машғулотларда қатнашиш билан илм олиб бўлмайди. Ҳар бир нарсанинг моҳиятини англаб, қунт билан шуғулланиш илм олишдир. Илм туфайли инсоннинг онги тиниклашади, ақли ўткирлашади ва руҳи улғаяди. Бундай одамни йўлдан оздирив бўлмайди.

Сайид Қосимий инсонни комилликка етишиши учун иккинчи талаб сифатида **Одобни** күрсатади. Бу ҳақда «Ҳақиқатнома» асарида:

*Тариқат барчаси панду одобдир,  
Адабсиз даелатқа етса вжабдур.*

Яъни, «Комиллик йўли панду одобдан иборатдир, чунки одобсиз киши комил бўла олмайди», – дейди. Сайид Қосимий каби барча тасаввуф файласуфлари одоб-ахлоқни қатъий тарғиб қилганлар. Жумладан, Абу Ҳафс Ҳаддод Нишопурӣ (IX): «Ат-тасаввуф қуллуху адаб – Одамларни комиллаштирувчи тасаввуф йўли борича одобдан иборат», деган экан.

Сайид Қосимий ҳам салафлари қаторида **инсон одоб туфайли дунёнинг згаси бўлишини бот-бот уқтиради**. Унинг фикрича, одобсиз одам дунёвий давлатга етса қўрқиш керак. Чунки, у одобсиз бўлгани учун ўзини ва ўзгаларни абгор қиласи. Бу ҳақда «Гулшани роз» («Сирлар изҳори») асарида дейди:

*Аҳли тариқат йўлини ур қадам,  
Мулки ҳақиқатда кўтварғил алам.  
Ки бу турур салтанатни безавол,  
Қилса назар ҳолини бир ҳол.*

Яъни, «Азиз кишилар йўлидан юриб, ҳақиқат мулкида байроқ кўтар. Бу завол билмас салтанатдир. Сени ана шундай ҳол чулғаб олсин».

Демак, одобли киши ҳақиқатни байроқ қиласи. Ҳақгўй бўлиш чинакам давлатдир. Бу ўғит бугун биз учун жуда муҳим. Зоро, баъзи ёшларимиз ғаразгўй кимсаларнинг таъсирига тушиб қолиб, йўлдан адашиб қолмоқдалар. Йўлдан адаштираётганларнинг юртларида бундай азизлар ўтмаган. Шу сабабли, улар нопок йўлларни тарғиб қилмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Сайид Қосимий оилада адаб тарбияси орқали кишининг зоҳирий билимларини ҳамда унинг қалбини ахлоқий эзгу фазилатлар билан бойитиш, хулқини гўзал хислатлар билан безаш ва қалбини ул-

ғайтириш мумкинлигини уқтиради. Алломанинг фикрича, одобли өдам – энг кучли шахс ҳисобланади. У комил инсон тарбиясида илм ва одобга қаттиқ таянишни тавсия қиласди.

Буюк қомусий аллома Абу Райҳон Беруний: «Озодалик ва орасталик олийжанобликнинг ўзаги бўлиши кераклигини уқтиради ва инсоннинг ташқи ёқимли қиёфаси тўғридан-тўғри унинг ахлоқий қиёфаси билан боғлиқлиги ҳақида гапириб, вақтида «тишни ювиш, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, уларга сурма қўйиш, тирноқларни олиб туриш» каби хислатлар сиҳат-саломатлиқдан ташқари, инсоннинг гўзаллиги ва поклигини ҳам таъминлайди, деган фикрни билдиради. У, инсон ўз эҳтиросларига ҳукмон, ўз жони ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларини мақтагудек нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин бартараф этишга қодирдир», – деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни тарбиялаш орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас туйғудир. Агар ота-боболаримизнинг қадимий ва бой турмуш тарзини ва оиласда тарбия усулини ўргансак, улар насл-насаб ва етти пуштнинг тозалигига катта эътибор берганига гувоҳ бўламиз. Соғлом авлод ғояси фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолига хизмат қиласидиган таълим-тарбия тизимиdir. Ёш авлод тарбияси учун ота-она, қўни-қўшни, қариндош-уруг, маҳалла, жамият, давлат баб-баравар масъулдир. Ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Негаки, бугунги мафкура-вий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона олиб борилаётган ҳозирги нозик, қалтис шароитда бу масала ниҳоятда муҳимдир.

Авлод-аждодларимиз қадимдан соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соглом фарзандларни тарбиялашга алоҳида эътибор берганлар. Халқимизнинг

<sup>1</sup> Беруний. Ҳиндиистон.

тарихий, диний, маданий ёдгорлиги «Авесто»<sup>1</sup>да фарзандларни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялашнинг зарурлиги уқтирилади. «Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг» (яъни, аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукаммал бўлиб бораверади), дейди Аҳурамазда. Фарзандларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари мўл-кўлчилик ва яхши овқатланишга боғлиқлиги ҳам алоҳида таъкидланади. Зардуштийлик таълимотига кўра, бурчнинг энг биринчи даъватларидан бири – бу фақат сиҳат-саломатлик ва жисмоний куч ҳақидагина эмас, балки маънавий софлик тўғрисида ҳам тамхўрлик қилишдир.

«Қобуснома»да ота-онанинг вазифаси, аввало, фарзандга яхши исм қўйиш бўлса, сўнг илм бериб, яхши ҳунар ва қасбга ўргатишдир, деб таъкидланади. Кайковус ўз ҳаётидан шундай бир мисол келтириб дейди: «Мен ҳар на билғон илмим ва ҳунаримни отамга намойиш қилдим. Отам ҳожиб ва ходимларга: «Бу ўргатган ҳунарларингизни зарур вақтда фарзандим учун бошқалар ҳам қила олур, лекин унинг ўзи қиладурғон, унинг учун бошқалар қила олмайтурғон ҳунар қолибдир», – деди. «Ул қайси ҳунар?» – дедилар. «Сувда сузмақдурким, бундай ишни фарзандим учун ҳамма одамлар қила олмас»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она фарзанди соғлом бўлиб вояга етиши, ўқиши, ҳунар ўрганиши, спортга қатнаши, илм олиши учун доимо саъй-ҳаракатда бўлмоғи лозим. Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида муайян иқтисодий қийинчиликлар бўлиши табиий. Ёшлар жамиятда рўй берадётган ўзгаришларни ўзгача қабул қилишлари, қийинчиликлар вужудга келганда эҳтиросларга берилишлари, турли зарарли ғоялар таъсирларига кириб кетишлари мумкин. Шунинг учун отаоналар ва жамоат ташкилотлари олдида турган энг

<sup>1</sup> «Авесто» тўғрисидаги маълумотлар. Авесто – тарихий-маданий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001.

<sup>2</sup> Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 1967. 81-бет.

асосий вазифа – ёшларни тұғри йүлга бошлаш, уларнинг билим олишлари, касб-хунар үрганишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш, уларнинг зарарлы ғоялар таъсирига тушиб қолишиларининг олдини олишдан иборатдир, бунда оила билан биргаликда жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлыгини йүлга күйиш тақозо этилади.

ХХ аср бошларыда яшаган Туркистан маърифат-парвар зиёлиларининг йирик вакиллари бўлмиш Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқаларнинг асарларыда ҳам оила асосини тұғри курмасдан туриб, жисмонан ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаб бўлмаслиги, жамият тараққиётини таъминлаш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланган.

Абдурауф Фитрат «Оила» номли рисоласида шундай ёзади: «Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чакқон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр-қимматини, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни үргатмәқ керак. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муazzам бўлади»<sup>1</sup>.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлод ғоясини ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатимизда қуидаги вазифалар бажарилади: биринчидан, бу ғоя, аввало, фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига ёрдам беради; иккинчидан, бу ғоя ҳар бир фуқарода ватанпарварлик туйғуларининг қарор топишига кўмаклашади; учинчидан, соғлом авлод ғояси одамларни ҳамиша хушёрликка ва огоҳликка ундейди. Уларнинг зарарлы ғоялар таъсирига тушиб қолмасликларига ёрдам беради; тўртинчидан, бу ғоя кишиларни мутелик ва тобеликдан кутулиб, мустақил фикр юритиш ва ўз дунёқарашига эга бўлишга даъват этади; бешинчидан, соғлом авлод ғояси юритимизнинг ҳар бир фарзандида фаол фуқаролик муносабатларини шакллантиришга, уларнинг ҳукукий мадания-

<sup>1</sup> Фитрат А. Оила. – Т.: «Маънавият», 1998. 5-бет.

ти ва саводхонлигининг шаклланишига асос бўлади; олтинчидан, бу ғоя ҳар бир инсонни қийинчиликлардан кўркмасдан, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида ҳамжиҳат бўлиб фаолият юритишга даъват этади; еттингчидан, соғлом авлод ғояси эзгулик, яратувчилик тамойилларига таяниб, ҳар қандай кўринишдаги ёвузлик, вайронкорлик ва бузғунчилик ғояларига қарши муросасиз бўлишни талаб этади; саккизинчидан, бу ғоя маърифатни ёйиш ва кенг тарғиб қилиш орқали жаҳолатга қарши курашга даъват этади; тўққизинчидан, бу ғоя ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик тамойилларига асосланиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад – келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги ҳамжиҳатликни, жамиятда соғлом муҳит ва тинчликни, тотувликни, барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, соғлом авлод ғояси турли мафкуравий таҳдидлар авж олаётган, улар бизнинг энг муқаддас ғояларимизга ва интилишларимизга хавф солаётган бир пайтда халқимизни турли мафкуравий таҳдидлардан асрар, жамиятда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Форобийнинг соғлом авлод тарбияси масаласидаги ғояларининг бош тамойили – инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида бир-бирлари-га нисбатан ўзаро ёрдамга муҳтоҷлиги ва бу ҳолат инсон жамоалари келиб чиқишининг ҳам, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ҳам бош омили эканлигидир. Форобийнинг фикрича, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик асосига қурилган уйғунлашган муносабатлар соғлом бадан аъзоларининг соғлиги ва биргаликда ҳаракат қилишига боғлиқ бўлганидек, жамият барқарорлигининг асоси ҳам унинг аъзоларининг уйғунлашган муносабатларига боғлиқдир. Ҳукмдорнинг фуқаролар билан муносабатини тананинг соғлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган табибга қиёс қилади. Яъни,

табиб тана соғлигини таъминлаш учун унинг ҳамма аъзоларининг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. «Фозил шаҳар соғлом баданга ўхшайди. Ушбу шаҳарнинг соғломлик даражаси, биринчи наебатда, табибга ўхшаш раиснинг назоратига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ундаги аъзолар, яъни ишчилар бўлган шаҳар аҳлининг ўз вазифаларини тўғри бажаришларига мувоғик равишда таъминланади. Бошқача ибора билан айтганда, раиснинг ўз зиммасидаги вазифасини бажаришга бўлган иқтидори ва қобилияти бир томондан, аъзоларнинг ўз зиммасидаги ишларни тўғри ва тўла бажара олишга бўлган иштиёки иккинчи томондан шаҳарнинг соғлом тизимини таъминлади»<sup>1</sup>. Демак, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда давлат бошлигининг жамият аъзоларига ғамхўрлиги, ўз зиммасидаги вазифаларни бажара олиш иқтидори, иштиёки ва қобилиятига қанчалик боғлиқ бўлса, фуқароларнинг ҳам бу борадаги бурчи, вазифалари ва масъулиятига шунчалик боғлиқдир. Бунга ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш борасидаги фуқароларимизнинг бурч ва масъулияти нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, масалани «мустақиллик менга нима берди?» деган тарзда эмас, «мен мустақиллик учун нима қилдим?» – деган тарзда тушунмоқ керак. Мутафаккир фикрича, жамият барқарорлиги ва равнақини ҳамда ҳар бир фуқаронинг баҳт-саодат ва камолотини таъминлашнинг асосий воситаси ўзаро ёрдам ва ҳамкорликдадир: «Баданнинг барча аъзолари табиий тизимда ўзларининг яшаб қолишилари учун бир-бирларига ёрдам берганларидек, Фозил шаҳарда ҳам бутунликни сақлаш ва такомиллашишига бўлган эҳтиёж аъзолар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида устувор бўлади»<sup>2</sup>. Форобийнинг ушбу ғоялари ва назарияларига асосланган ва уларни ривожлантирган қомусий олим ва мутафаккир Ибн Синодир. Ибн Сино жамият кишилар-

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фазилат, баҳт-саодат ва камолот ҳақида. –Т.: «Ёзувчи», 2001. 29-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 30-бет.

нинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини таъкидлайди; бу қонунларга барча жамият аъзолари итоат этиши зарур; қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши лозим. Инсоннинг жамиятда ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, жамиятда турли табақаларнинг муносабатлари Ибн Сино асарларида маҳсус ёритилди. Соғлом авлод тарбияси ғоясини алломалардан Абу Райхон Беруний (973–1048) ҳам ўзига хос талқин этади. Гарчи Беруний Форобий каби жамият ва ижтимоий воқеаларга оид бир тизимга солинган мукаммал таълимот яратмаган бўлса ҳам, буюк олим сифатида ҳамма замонлар учун ўта муҳим масала бўлган жамият, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, инсон баҳти каби масалаларда ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтган. Берунийнинг барча илмий қарашлари ижтимоий фаолиятга йўналтирувчи ҳамда белгиловчи омил бўлиб, унинг инсонпарварлиги, ижтимоий тараққиётни таъмин этишга қаратилган интилишлари, эзгу орзу-умидлари шу аснодадир. Берунийнинг ҳам соғлом авлод тарбияси масаласига оид қарашлари асосида жамиятнинг вужудга келишида инсонларнинг ўзаро ёрдамга муҳтоҷлиги ғояси ётади.

Мазкур давр мутафаккирлари истисносиз ҳамма бирбирига ёрдам қиласидиган, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро келишувга асосланган, худбинлик, амалпарамстлик, зулм тугатилган адолатли жамият ва соғлом авлодни тарбиялаш ҳақида орзу қилганлар. Шуни ҳам таъкидпаш керакки, улар адолат ҳақидаги қарашларини ислом дини, шариат аҳкомларига татбиқ қилган ҳолда баён қилганлар. Улар шариат аҳкомлари, мусулмон ҳукуқшунослигини одамлар ўртасида адолатли муносабатлар ўрнатишнинг ўта муҳим вазифаси, деб билганлар. Уларнинг нуқтаи назарича, шариат аҳкомлари ҳақиқий инсоний муносабатларга эришиш, жамиятда тартиб ўрнатиш, бирорларнинг бошқаларга нисбатан зулм қилмаслик ва бошқалар ҳуқуқини топтамасликка, ўзининг мақеини суистөммол қилиб, ўз шахсий манфаатлари

учун адолатсизлик ва ҳақсизлик қилғанларни аёвсиз жа-  
золашга чақиради.

Ҳар бир давлат ўз фуқароларини билимли, ҳақ-  
хуқуқини танийдиган, маънавий баркамол, бир сўз билан  
айтганда, комил инсон бўлиб вояга етиши ҳақида  
қайғуради. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу  
хусусда шундай дейди: «Биз комил инсон тарбиясини  
давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилғанмиз.  
Комил инсон деганда, биз, аввало, онги юксак, мустақил  
фирқалай оладиган, хулқ-атвори билан ўзбекларга ибрат  
бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушу-  
намиз»<sup>1</sup>.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бизда фуқаро  
тарбияси ҳақида кам гапирилади. Лекин бизда бу вази-  
фа ўз холига ташлаб қўйилган эмас. Ўзбекистонда  
фуқаро тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси  
бўлиб, асосан икки йўналишда: кадрлар тайёрлаш мил-  
лий дастури доирасида ва миллий истиқбол ғоясини  
сингдириш воситаси сифатида амалга оширилмоқда.  
Қўриниб турибдики, фуқаро тарбиясини амалга оширув-  
чи маскан сифатида мактаб танланган. Чунки, мактабда  
бона билим олишдан ташқари, шахс сифатида ҳам  
шаклланади. Демак, маорифга миллатни тарбиялашдек  
масъулиятли вазифа юкланган. Лекин таълим тизимида  
тарғибот-ташвиқотдан мақсад фақат билим бериш эмас,  
балки кишини бирор ҳаракатга ундашдан иборат экан-  
лигини унутмаслигимиз лозим. Масалага ана шу  
жиҳатдан қарайдиган бўлсак, миллий истиқбол ғояси  
ўқитилаётгани ҳали мафкура ёшлар онгига синг-  
дирилаяпти, дегани эмас. Демак, мафкуравий мақ-  
садларни аник ўкув вазифалари шаклига келтиришимиз,  
миллий истиқбол мафкурасидаги асосий ғояларнинг  
амалий ҳаракатларга айланишига эришишимиз зарур.  
Бунинг учун биз ўкув вазифаларини тузишда нималар-  
дан фойдаланишимиз мумкин? – деган савол пайдо

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орезу-  
си. –Т.: «Шарқ», 1998. 81-бет.

бўлади. Бу саволга жавоб излагандага биз халқимизнинг бой маънавий меросидан фойдаланишимиз жуда катта самара беради, деб айтишимиз мумкин.

Болага ёшлигидан ўзбек халқ оғзаки ижоди на-муналарини ҳикоя қилиб бериш яхши натижа беради. Булардан эртаклар, топишмоқлар, мақоллар, шеърлар жуда таъсирли воситадир. Ўзбек халқ эртаклари болани ёшлигиданоқ жасурликка, қаҳрамонликка, тўғрисўзликка, ўз яқинларини ҳурмат қилишга ўргатади. Ўзбек оиласарида уч-тўрт, ҳатто беш авлод вакиллари (яъни, бобобувилар, ота-оналар, фарзандлар, неваралар ва чеваралар) ўзаро ахилликда, баҳамжиҳат умр кечирадилар. Ҳар бир бўғиннинг ўз бурчи ва масъулияти, ўз эрки ва мавқеи бўлган<sup>1</sup>.

Олий ўкув юртларида ўқитиладиган «Миллий истиқлол ғояси» фанида ҳам халқимизнинг жуда кўп маънавий манбаларидан фойдаланиш мумкин. Жумладан: «Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар» мавзусида Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол ғояси умуминсоний ва миллий қадриятларга таяниши, бу мавзуда қуйидаги миллий хусусиятлар қайд этилганлиги кўрсатилган. Бу хусусиятларга бизга азалдан маълум бўлган қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш рухининг устунлиги, жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-она, маҳалла-кўй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътибор, она тилига мұхаббат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, аёл зотига эҳтиром, сабр-бардош ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат кабилар киради. Бу мавзуни ёритишида биз халқимизнинг азалий урф-одатларига таяниб мисоллар келтирсан, мақсадга мувофиқ бўлади. «Тўмарис», «Широқ» афсоналаридан, халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари «Гўрўғли», «Алломиши» достонларидан фойдаланиш мумкин. Бу манбалар талабаларни ватанпарварлик, миллатпарварлик, жасурлик, меҳнатсеварликка ва қаҳрамонликка ундейди. «Тўмарис» афсонасидаги Тўмарисдек аёллар ўз халқи манфаатини, тинчлигини, ободлигини ҳар нар-

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси. – Т.: «Академия», 2005. 206-бет.

садан устун қўйиб, фарзандини курбон қилса-да, ўз мақсадидан кечмай ғалаба қилди. Бу – аёл кишининг жасорати ва матонати, ватанига бўлган муҳаббатдан нишонадир. Биз юқорида таъкидлаб ўтган аёл зотига эҳтиром – инсониятнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган хотин-қизларга бўлган муносабатнинг энг юқори чўқ-қисидир. Ўзбеклар аёлга, энг аввало онага, ўзгача бир меҳр-мурувват, ҳурмат ва эҳтиром билан қарашади, уларни улуғлашади.

Таассуфки, ўзи туғилган, вояга етган юртни Ватан деб билмайдиган, қаерда қорин тўйиб, тириклик ўтса, шу юртда қоладиган одамлар ҳам бор. Лекин, Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси – фақат етук ва фидойи, ҳақиқий ватанпарвар инсонларга хос бўлган улкан қадриятдир.

«Широқ» афсонасидаги Широқ ўз манфаатидан халқ манфаатини, қабиладошлари озодлигини устун қўйиб, ўзини курбон қилди ва халқини қулликдан асраб қолди. Бу – ватанпарварликнинг юксак намунасиdir.

Алломиш ҳам ўз қаҳрамонлиги билан бандиликдан озод бўлиб, севган ёри Барчинни ўзгаларга муте бўлишдан асраб қолади. Бу – қаҳрамонликнинг ёрқин мисолидир.

Юқорида номлари зикр этилган афсона ва достонлар ўзбек халқининг юксак маънавий дурдоналари саналади. Булар ўтган даврларда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмади. Биз юқоридаги мавзууни ёритишда ана шу афсона ва достонлардан мисол келтириб, талабаларимизда юксак маънавий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ҳиссини ўйғотишимиз мумкин.

Ватан – саждагоҳ каби муқаддас. Буни талаба ёшларга тушунтиришдан олдин ватан ҳақидаги мақол, матал, шеърлардан намуналар келтириш мумкин: «Она юрting олтин бешигинг. Она юрting омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас. Булбул чаманин севар, одам ватанни» каби.

Ёки ватанпарварлик ҳақида алломаларнинг фикрларини келтириш ўринли деб биламиз:

**Гегель** (немис файласуфи): Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликпарида акс этади.

**Байрон** (инглиз шоири): Энг мақбул фазилат ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматdir.

**Ж.Ж. Руссо** (француз мутафаккири): Саховатнинг энг буюк жасурликлари ватанга бўлган муҳаббат туфайли вужудга келади.

**М. Солмон Соважий** (форс шоири):

*Ватанга нағи үйқ яшалган ҳар кун,  
Инсон ҳаётини қипур бөмазмун.*

**Ф. Вольтер** (француз адаби): Ватанга бўлган муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, Ватанимни жаҳондаги хазиналар билан шунчалик бойитгим келади.

Юқорида санаб ўтилган комил инсон фазилатлари ҳақида ҳам халқимиз орасида жуда кўп мақол ва маталлар ишлатилади. Бу мақоллар ёшлиаримизни маънавий баркамол ва соғлом авлод қилиб тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эгадир:

*Аевал ўйла, кейин сўйла.  
Айтилган сўз, отилган ўқ,  
Ақл – одамнинг олтин тоғи.  
Бахт – тилакда эмас, билакда.  
Бегона тупроқ – девона тупроқ.  
Бир кўнгил иморати – минг Макка зиёрати.  
Бириккан куч – куч, бирикмавган куч – пуч.  
Бироенинг бергани – кўргулик,  
Меҳнатнинг бергани – тўйгулик.  
Дунё йигиб нетарсан,  
Бир кун ташлаб кетарсан.  
Ерга тушган – гул бўлар,  
Ўтга тушган – кул бўлар<sup>1</sup>.*

Миллий қадриятларимиз минг йиллар давомида шаклланган, тарих синовларига дош бериб, неча-неча авлодлардан ўтиб келаётган маънавий бойлик эканлиги, шубҳасиз. Лекин бу бойликлар осонликча қадриятга ай-

<sup>1</sup> Шомақсұдов Ш., Шораҳмәдов Ш. Ҳикматнома. –Т.: 1990. 84-бет.

ланмайди. Маънавий қадриятларнинг аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёш авлоднинг мулкига айланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун шу миллат тақдири ва истиқболига бефарқ қарамайдиган илғор вакилларнинг саъй-ҳаракати талаб этилади.

Хуроса шуки, ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда қадимий бой маънавий меросимиздан ўринли фойдаланиш катта самара бериши, шубҳасиз.

### **а) «Авесто»да ахлоқий қадриятлар ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари**

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида «Авесто»да берилган маслаҳатлар орасида ахлатлар, одамнинг ўз танаси чиқиндилари, мурдалардан йироқроқ бўлиш ҳақидаги кўрсатмалар бор. Инсон чиқараётган нафаснинг заарарли эканлиги ҳақидаги фикр ҳам қизиқарли ва баҳсталабдир. Чунки, ҳали кислород ва карбонат ангидрид расман кашф қилинмасидан, бу ҳақда табобат ўз нуқтаи назарини баён қилмасидан бир неча минг йиллар олдин ўртага ташланган бу фикр фан назарида ҳам қимматлидир. «Авесто»да инсон касалланишининг бош сабабларидан бири сифатида овқатланиш тартибининг бузилиши кўрсатилади. Яъни, вақтида овқатланмаслик, кўп оч юриш ёки ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қилишдан турли хасталиклар – ошқозон-ичак, юрак-асаб, қон-томир касалликлари пайдо бўлади, дейилади. Меъёрида овқатланиб, соғлом турмуш ке-чирадиган ва муайян мақсад билан ҳаракат қилаётган киши танасида қон айланиш яхшиланади, натижада тана соғлиги мустаҳкамланади. «Соғлом танда соғлом фикр», деганларидек, меҳнатсевар ва соғлом кишида носоз, бузғунчи фикрлар ҳам бўлмайди.

### **б) Ислом фалсафасида ахлоқий қадриятлар ва соғлом турмуш тарзи масалаларининг кўйилиши**

Мамлакатимизда хукукий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда баркамол авлод

катта роль ўйнайди. Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларни комилликка йўналтириб тарбиялашда, соғлом ижтимоий мухитни яратишда миллий қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш мухим жараёндир. Зоро, ижтимоий мухит инсоннинг фаолияти давомида унинг шахс сифатида шаклланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Инсон онги, тафаккурининг янгиланиши, маънавий ҳамда ахлоқий камолотига таъсир этади. Бунда муқаддас Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларнинг ўрни ниҳоятда бекиёсдир.

Ёшлар тарбиясида диний қарашлар, хусусан, ислом қадриятлари нуқтаи назаридан қарашлардан ташқари, илмий ва фалсафий ёндашувлар ҳам бир вақтда шаклана борган. Ушбу илмий фалсафий қарашларда ижтимоий борлиқнинг моҳияти ҳақидаги фан далилларига, мантиқий фикрлаш асосларига, табиий-илмий билимлар тажрибасига суюнилган ҳолда шахс ва жамият билан боғлиқ муаммоларни ҳаёт воқелигига татбиқ қилиб ёндашишга ҳаракат қилинган. Ватанимизда етишиб чиқсан олим ва мутафаккирларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эгадир, яъни Президентимиз Ислом Каримов таъкидлайдики, «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, ҳалқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум»<sup>1</sup>.

Ислом маданиятининг бебаҳо дурдоналари ҳисобланган бу асарлар олий қадрият сифатида эъзозланиб,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафғизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ҳафғизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998. 127-бет.

ўсиб келаётган ёш авлоднинг нафақат жисмоний саломатлиги, балки маънавий ва ахлоқий камолотга эришишида муҳим аҳамиятга молиқдир. Улар инсонни яхши ва эзгу амалларни бажаришга ундан, ёмон одатларни тарк этишга буюради. Ислом тарбияси шахсни мустақил оила қуриш, ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзанд олдиғаги бурч каби инсонни улуғловчи одоб ва ахлоқ ҳамда инсон маънавияти ва маърифати камолотида катта ўрин әгаллайди. Инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, одамгарчилик, меҳр-муҳаббат, дүстлик, бирдамлик, аҳиллик асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш ақлий-ахлоқий тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқдир. У жасурлик, мардлик, чидамлик, бақувватлик масалаларига алоҳида эътибор билан қарайди. Руҳан ва жисмонан бақувват, ақлан етук, ахлоқан баркамол кишилар ўз юртини, Ватанини душманлардан ҳимоя қила оладиган, халқ-парвар бўлиб шаклланади.

Куръоннинг «Оли Имрон» сурасининг «Еттинчи жузъ»ида: «Эй мўминлар, ўзингизни билингиз! (яъни гуноҳлардан сақланингиз!) Модомики, ҳақ йўлини тутган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас. Барчангиз ҳам Оллоҳга қайтишингиз бордир. Ана ўшанда Оллоҳ сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур»<sup>1</sup>. Бу сурадан шуни англаш мумкинки, ёмон иллатлар ҳисобланган баҳиллик, ёмонлик, нафсу ҳаво, молу дунёга берилмоқлик кабилардан ўзликни асраб, фақатгина инсоний фазилатлар билан яшамоққа даъват этиш – чин инсонлик бурчидир.

Хўжа Аҳмад Яссавий инсоннинг носоғлом турмуш тарзини нафс билан боғлайди ва унга қарши кураш лозимлигини уқтиради. Нафсни тийиш, мол-дунёга ҳирс қўйиш, тамагирлик, баднафслик, нокаслик, нодонлик, жаҳолат ва разолатни қаттиқ қоралайди. Унинг таърифича, нафс «ябон қушдек кўлга қўнмас» бир нарса. Бу «куш» ўз хоҳишича «парвоз» этаверса, одамни кундан-кунга одамийлиқдан чиқараверади, азим гуноҳларни қилишга сабабчи бўлиб, бадном этади, чунки нафс домига

<sup>1</sup> Куръони карим. –Т.: «Чўппон», 1992. 83-бет.

тушгандан кейин киши ҳеч нарсадан тап тортмайды, ҳаром-ҳаришдан ҳазар этмайды, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим, бераҳм, риёкор бўлиб қолади.

Халқимизда нопок, яроқсиз, кир нарсаларни сув ювиб тозалайди, поклайди, – дейишади. Агар сувнинг ўзи кир, ифлос бўлса, уни қандай тозалашади?! Ёки буни бошқа бир ҳодиса билан қиёслаш мумкин: «Кишининг тоби қочса, касал бўлса, уни табиб эмлайди, даво-дармон килиб тузатади. Аммо табибнинг ўзи соғлигини йўқотгудай бўлса, унга ким ёрдам қўлини чўза олади?! Уни ким тузатади? Шунинг учун ҳам ота-онанинг хулқ-атвори покиза бўлса, фарзандга йўл-йўриклари ҳам шундай бўлади»<sup>1</sup>.

Шахснинг жисмоний ва маънавий баркамоллиги, соғлом авлод тарбияси масалаларига Шарқ мутафаккирлари асарларида зътибор берилади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнайи, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифийларнинг китобларида рух ва жисмнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги, соғлом, серҳаракат, баркамол инсонгина тўлақонли ҳаёт кечириб, жамият ва одамлар учун кўп фойда келтириши мумкинлигини тасдиқловчи фикрлар баён этилган.

Алишер Навоий кишиларга меҳр-мурувват кўрсатишга, солиҳ амалларни бажаришга, нафсни тийишга, камбағалларга хайр-эҳсон қилишга, раҳмидил ва шафқатли бўлишга, доимо ҳалқ ғамини ейишга, улар ташвишида яшашга инсонларни даъват қилди, инсонийлик ва одамийликни ҳар нарсадан юқори қўйди:

*Одамий эрсанга демагаш одами,  
Онику йўқ ҳалқ ғамидин ғами<sup>2</sup>.*

«Сабр – аччиқдир, аммо фойда берувчи қаттиқдир, аммо зарарни даф этувчи. Қайси бир тилагига эри-

<sup>1</sup> Юсуф Ҳос Ҳожиб. «Кутадғу билиг». –Т.: 1990. 49-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. –Т.: «Faafur Fулом» номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 139-бет.

шолмаган сабр этагига қўл урди-ю, тилагига эришолмади? Қайси бир гирифтор сабрнинг бандига кўнгил кўйди-ю, күшодлик топмади? Сабр шодликлар калитидир ва бандлар очқичидир<sup>1</sup>. Навоий муҳтож ва ғарибларнинг оғир қисматини енгиллаштиришга, уларга мадад бўлишга, ёрдам беришга интилиб, «Яхшиликларни топмоқ – едирмоқдир ва айбларни ёпмоқ кийдирмоқдир. Ўринли берилган эски чоловон ва қора тўн – сахийлик ва ўринсиз берилган зардан тўқилган сарпо – ярамаслик. Овқатинг бекор кетмасин десанг – едир, кийиминг эскирмасин десанг – кийдир. Сахийлик йўленини юқорида айтилганча англа, аммо яхшилик равиши ва ҳожат чиқариш расмларини бошқача англа»<sup>2</sup>, – деб таъкидлайди.

Алишер Навоий ўз асарларида жисмоний соғломлик билан маънавий баркамолликни қўшиб тарғиб этади.

Навоийнинг:

*Сиҳам тилассанга – оз ё  
Иззат тилассанга – оз де,*

ёки

*Кўп демак бирла бўлмагил нодон  
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон, –*

деган ҳикматларида ҳам жисмоний ва маънавий тарбиянинг уйғунлиги, соғлом авлодни вояга етказиш масалаларини эътиборга олган. «Қаноат, – дейди шоир, – тортинчоқликнинг негизидир, шараф ва иззатнинг тантанасидир. Қаноатли қашшоқ – бадавлатдир ва шоҳ билан гадойга иши тушмайдир. Тамагирликнинг далили: давлатли тамагир – хор ва пасткашдир»<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг ушбу ўгитларида ахлоқий қадриятлар бирлашиб, мукаммалликни ташкил қиласди. Улар жамиятда, оиласда инсонни комил инсон қилиб тарбиялашда, баҳтли, саодатли бўлиб этишишида муҳим асос, пойdevor бўлиб хизмат қиласди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. –Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 204-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 217-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. Асарлар.13-том. –Т.: 1966. 228-бет.

Аҳмад Дониш бир хил ишёқмас, такасалтанг, текин бойлик топиш йўлида ҳар қандай разиллиқдан қайтмайдиган, эртаю кеч молу дунё тўплашга ҳирс қўйганларни таңқид қилиб, «Мол топиш, дунё тўплаш билан роҳат кўриш мумкин эмасдир, – дейди у. – Агар дунёда мол тўплаб, бой бўлишни роҳат деб билувчилар бор бўлса, улар ҳайвонлар даражасига тушган одамлардир. Дунёда заҳматсиз роҳат, ташвишсиз неъмат топилиши мумкин эмас. Бой кишиларнинг кўрган роҳатлари эса охурга солинган кунжарани кўриб қувонган ҳўқизнинг роҳатига ўхшайди».

Ҳақиқатан ҳам, жамиятда ижтимоий-руҳий муҳитни янада барқарорлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, жамиятимизнинг бўлажак пойдевори ҳисобланган ёшлар камолоти айнан ана шу ижтимоий муҳитда қарор топиб ривожланади. Соғлом муҳитда эса соғлом авлод вужудга келади. «Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафакат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади»<sup>1</sup>, – дейди Президентимиз Ислом Каримов.

Шундай қилиб, исломий ахлоқий қадриятлар ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбияпаш мақсадига йўналтирилган. Зеро, Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни тарбиялаш орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас туйғудир. Шундай экан, агар ота-боболаримизнинг қадимиий ва бой турмуш тарзини ва оиласда тарбия усулини ўргансак, улар насл-насаб ва етти пуштнинг тозалигига катта эътибор берганига ишонч ҳосил қиласиз. Ўзбекистон Мустақил давлат сифатида фуқароларининг маънавий-ахлоқий дунёқарашини янада та-комиллаштириши асосий вазифалардан бири сифатида белгилайди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8- жилд. –Т: «Ўзбекистон», 2000, 94-бет.

## **2. Ғарб мутафаккирларининг қарашларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ахлоқий концепцияси**

Жамиятни соғломлаштириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш барча замонларда бирдек энг дол зарб, объектив зарурий омиллардан бири бўлиб келган. Жамиядта баркамол шахсни шакллантириш масаласи соғлом турмуш тарзи билан узвий боғланган. Гиппократ томонидан киритилган «турмуш тарзи» атамаси аниқ тарихий шартлар билан белгиланадиган инсоннинг ёки одамлар гурухининг турмуш фаолияти билан аниқ тарихий кўринишни, уларнинг ҳаёт фаолияти шаклларининг бутун йиғиндисини ўз ичига олувчи, бизнинг бугунги турмушимизда бор бўлишини шарт қилиб қўяди.

VII асрда инсонпарварлик ғоялари соғлом турмуш тарзининг асоси этиб олинди. Жумладан, «ўлдирма» фалсафий-ахлоқий қарашга айланади. Ҳинд фалсафасидаги жайнизм оқими «ҳамма нарсанинг жони, рухи бор, ҳеч нимага, ҳатто дараҳт ва тошларга ҳам озор етказма» деган қоидага амал қилиб, кўзга кўринимас жониворларни ўлдирмаслик учун оғзини дока билан беркитиб, ҳар қадамини, қумурсқа ва бошқа жониворларни янчиди қўймаслик учун олдини супуриб юришган. Эр. авв. IV асрда Ф.Александрийский: «Инсонни Худо яратган, уни ўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ», деган ғояни илгари суради ва уни фалсафий нуқтаи назардан асослашга интилади. Исонинг «ўлдирма» даъвати кишилар ўйини банд этиб келади, ушбу даъватнинг моҳиятига инсоният XX аср ўтгач етмоқда. Натижада «ўлдирма» ибтидоий табудан умумсайёравий нормага айланишдек мураккаб, зиддиятли ва узоқ даврларни босиб ўтди.

Мутахассисларнинг фикрича, глобаллашув силлиқ ке-чадиган жараён змас, у ички зиддиятларга тўла. Бизнинг фикримизча, турмуш тарзидаги нотекис глобал жараёнлар қуйидагиларда намоён бўлади. Жумладан, 1560 иили Жон Нико исмли франциялик сайёҳ ўз юртига бир ўсимлик олиб келди. Барги ва уруғидаги модданинг ёниши на-

тижасида у ўзидан ёқимли ҳид таратди. Қарабсизки, тез орада ана шу ҳиднинг «ихлосманд»лари пайдо бўлди. Тамакидаги ушбу моддага Жон Нико шарафига «никотин» деб ном қўйдилар. Бу модда, аввало, инсоннинг юрак, мия ва ўпкасини заҳарлайди. Шунинг учун чекувчилар чекмайдиган кишиларга қараганда кўпроқ касалликка чалинадилар. Масалан, чекувчилар бир йилда бронхит ва нафас йўллари касалликлари билан чекмайдиганларга нисбатан ўн беш марта кўпроқ оғрийди. Тамакининг яна бир салбий хусусияти шундаки, организм никотинга ўрганиб қолиб, кейин усиз туролмайди.

Собиқ шўролар салтанати даврида «Миллий маданиятимиз, маънавиятимиз на Шарқ, на Farb андозаларига тўлиқ мос келар эди, у кўп жиҳатдан оралиқда қолган эди. Бинобарин, уни маргинал маданият, маргинал маънавият дейиш мумкин эди»<sup>1</sup>.

Минг афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда айrim ёшларимиз турмуш тарзига Farb мамлакатларининг одатлари, қадриятлари, анъаналари бўлган манфаатпрастлик, индивидуализм, беҳаёлик, ахлоқизлик сингари салбий иплатлар ҳам кириб бормоқда. Бу жуда ташвишли ҳолат. Бу каби зарарли одатлар турли бедаво касалликларнинг кўпайиши, миллий-маънавий гўзал урф одатларимизга бўлган эътиборнинг сусайишига олиб келиши ва энг ачинарлиси, ногирон болаларнинг дунёга келишининг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин.

Соғлом турмуш тарзи – оқилона ҳаёт кечириш, яъни менталитет билан ҳаёт тарзи ўртасидаги алоқадорлик иккиёқлама бўлиб, бир томондан, у ёки бу социумга хос ҳаётий фаолиятнинг характеристи, унинг ментал афзалликларини назарда тутади. Бошқа томондан, бу устуворликларнинг ўзи ҳаётий қадриятлар ва идеаллар, жамиятнинг ҳаётий салоҳияти ҳар бир авлоднинг ўз маданий анъаналари ва ахлоқий бойликларини ҳимоя қилишга ва сақлаб қолишга, уларни янада бойитиш ва

<sup>1</sup> Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. –Т.: «Маънавият», 1999. 5-бет.

ривожлантиришга қаратилған интилишларға бөглиқ бүләди. Ахлоқий тарбия инсонни соғлом турмуш тарзи билан қуроллантиради. Соғлом турмуш тарзи инсонни бу ҳаётда инсонийлик мезонларига амал қылған ҳолда яшаб үтишни тақозо этади. Демак, менталитет жамият, миллат, жамоа ёки алохидә олинган шахснинг тарихан таркиб топған тафаккур даражаси, маънавий сапоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланған ақлий қобилиятидир.

Хар бир халқ ва миллат ўз ҳаёти ҳамда яшаш тамоийллари ва турмуш тарзини менталитетга асосланиб қуради. Миллий менталитет турмуш тарзининг маънавий тарихий фазилатларини шакллантирувчи манба, ибтидо ҳисобланадики, ундан маҳрум бўлған турмуш тарзи қуруқ абстракциядан иборат бўлиб қолади. Шу маънода Ғарб илмий адабиётларидаги миллий менталитет миллатнинг тарихий илдизлари, илк моддий ва маънавий негизлари, асрларга чўзилған ҳаётий тажрибаси асосида шаклланған соғлом турмуш қоидалари, ақп-фаросати, атроф-борлиққа ёндашиш усуллари бўлиб, акмеологик ривожланиш асосида барқарорлашган соғлом муҳит, соғлом тафаккур, соғлом тарбия тизими каби уч муҳим омил яхлит бирликни ташкил этади.

Соғлом турмуш тарзи қоидалари санитария-гигиена талабларига риоя қилиш, алкоголь ичимлеклари ичмаслик, чекмаслик, гиёхванд моддалар истеъмол қилмаслик, овқатни маромида ейиш, ҳиссиётли роҳатланишда меъёри билишни, соғлиги ва жисмоний ривожланишни юксак даражада сақлашда жисмоний тарбия билан шүғулланишни, тўғри кийиниши шарт қилиб кўяди. Бу ўринда уларнинг ўзаро узвий алоқадорлигининг маҳсали сифатида олиб қараладиган соғлом турмуш тарзи – акмеологик ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва роли ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Мид, Маккоби, Жаклин, Хорнер, Бэм, Ананьев ва бошқалар томонидан олиб борилған маҳсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гендер фарқлар онтогенез ва со-

циогенезда ҳар доим ҳам намоён бўлавермайди<sup>1</sup>. Масалан, 1 ёшгача бўлган гўдакларда гендер фарқлар кўзга ташланмайди. Ундан кейин қиз ва ўғил болаларда гендер ўзига хосликлар намоён бўла бошлади. Маккоби ва Жаклин тадқиқотларига мувофиқ, бир ёшдаёқ қиз болада коммуникация, эшитиш; ўғил болада эса изланиш, кўриш қобилияти юкорироқ экан.

Хозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришдан мақсад, маънавий баркамол ёшларгина буюк келажакни яратадилар. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни тарбиялашда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мухим аҳамият касб этмоқда.

Т. Флобер: «Нимаики гўзал экан, у ахлоқийдир», деди. Дарҳақиқат, Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек оиласидаги бола тарбиясига катта масъулият билан ёндашишган. Жумладан, ўз фарзандига «сиз» деб хурмат билан мурожаат қилиш кичкинагина мисолдир. Айниқса, қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг хулқи, ҳаёю одоби, кийиниш маданияти ва шахсий гигиенаси ҳамиша ота-оналар дикқат марказида бўлган. Ўзбек оиласидаги қизлар ота-онага итоатда, катталарга хурматда бўлиш руҳида тарбияланганлар. Бу борада ота-оналар уларга ўрнак бўлишлари лозимлиги зътироф этилган.

Тарбияшунос олим В.А. Сухомлинский ёшларни илк давриданоқ соғлом қилиб ўстириш тизимини ишлаб чиқкан бўлиб, инсон ҳётида соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғиб қилиш орқали жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш, тўғри овқатланиш, соғҳавода меҳнат қилиш лозимлигини уқтиради<sup>2</sup>. Ушбу китобнинг катта бир бўлимини «Соғломлик, соғломлик ва яна бир карра соғломлик» деб атаган. У тадқиқотлар асосида болалар касалликларини, болалар дангасалиги, заифлигининг сабаблари оиласий тарбиянинг нуқсонларида яширинганлигига ишонч ҳосил қиласди. У ота-оналар болаларни тарбиялашда ахлоқий тарбияни бо-

<sup>1</sup> Қарант: Бендац Т.В. Гендерная психология. СПб. – М.: «Питер», 2007. С. 166.

<sup>2</sup> Сухомлинский В.А. Болаларга жоним фидо.

ланинг соғлиги ҳақида ғамхұрлықдан бошлаш кераклигини үқтириб үтган.

Америкалик сиёсатшунос олим Патрик Бьюкененнинг «Смерть Запада» номли китоби «Интернет» саҳифасида чоп этилди<sup>1</sup>. Китобнинг сўз бошиси Ғарбнинг «тақдири» оила ва никоҳга, туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиши каби оддий, табиий нарсаларнинг таҳлили билан бошланган. Минг таассуф ва афсус билан у «Европа «америкача» маданиятнинг ҳаёт тарзига сингиб кетганилигига қаршилик кўрсатишга қодир эмас»лигини эътироф этади. Бьюкененнинг фикрича, бундай бўлиши сабабларидан бири одамларнинг бирдан бойиб кетиш, бирдан тўкин ҳаётга эришишга эгоистик интилиши бўлиб, буни у гедонистик психология деб атайди. Аслида бир қарашда инсоннинг тўқ ва фаровон ҳаётга интилиши, бой-бадавлат бўлишининг айби йўқ, лекин бундай тўкинчилик инсонийликка қарши бўлиши мумкин эмас. Муаллифнинг ташвиши ва уни хавотирга солган нарса шуки, бундай онг ва шуурдаги ўзгаришлар Европа ҳалқарининг, энг аввало, оиласа нисбатан муносабатлари салбий томонга ўзгарганлигига ифодаланади. Масалан, бугунги Европада туғилаётган болаларнинг ҳар учтасидан биттаси никоҳсиз туғилаётганлиги, туғилишнинг кескин камайиб кетганилигини, умуман, аёллар ўзидан соғлом зурриёд қолдиришни истамаётганликларини, фарзанд туғилиши ва уни тарбиялашга маблағ сарфлашни хоҳламаётганликларини надоматлар билан ёзади. Олимларни мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш учун фарзанд туғилишида давлат томонидан ажратиладиган нафакаларнинг, суюнчи пуллар миқдорининг орттирилиши, оналар учун алоҳида имтиёзларнинг жорий этилиши ёки бола сони ортгани сабабли тақдим этиладиган уй-жой етарли бўлармикин, деган савол қийнайди. Чунки, замонавий Ғарб ёшлари учун бу каби имтиёзлар бола туғилиши ва бу билан боғлиқ ташвишлар олдида ҳеч гап

<sup>1</sup> Бьюкенен П.Д. Смерть Запада. – М.: изд-во «АСТ», 2003. <http://www.Centr.Mag.ru>.

эмас. Мансаб погоналарига күтарилиш, қандай йўл билан бўлса-да миллионларни кўпайтириш, енгил-елпи ҳаёт кечириш, ўзи, ўз хоҳиши билан яшаш кабилар оиласий юмуш ва қувончу ташвишлар олдида улар учун қадрлироқ, зарурроқдай туюлади. Албатта, бу каби вазиятнинг оқибатлари бугун билан яшамай, эртани ўйлаётган ҳар бир одам учун ноқулай мұхитни юзага келтириши мумкин<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Бьюканен П.Д. Смерть Запада. – М.: изд-во «АСТ», 2003. <http://www.CentrMag.ru>.

---

## **СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛАНТИРИШДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Устоз-мураббийларнинг чуқур билим, юксак малака, бой тажриба ва маҳоратга эга бўлиши ҳар томонлама етук, маънавий баркамол кадрлар тайёрлаш гаровидир. Зеро, устозлар ҳар жиҳатдан шогирдларига намуна бўла олсагина келажакка ишончли замин тайёрланади. Бунга эришиш учун ўқитувчилар тинимсиз изланишлари, ўз билим ва малакаларини ошириб боришнинг барча имконият ва воситаларидан самараали фойдаланишлари зарур. Ривожланган мамлакатлар ўкув муассасаларидағи замонавий таълим технологиялари, илғор тажрибалар билан танишишлари, уни ўкув юртларида қўллай билишлари лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ жисмоний тарбия соҳаси бўйича ҳам олий малакали ва илмий педагогик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга янгича ёндашув талаб этилади. Шунингдек, академик лицей, ўрта маҳсус ва касб-хунар коллежлари педагогларидан шу вақтгача фақат чуқур ўқитиш услубиятини ва мутахассислик маҳорат ва кўнилмаларини билиш талаб қилинганди. Ҳозирги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиққан ҳолда ва жаҳон андозалари мослашуви белгиланган шароитда ўқитувчи кадрларнинг асосий қисми янги технологияни чуқур билиши, мулоҳаза ҳамда таҳлил қила олиши ва янгилик яратиш даражасига эга бўлиши жуда муҳим бўлиб, замон талабига айланди. Умуман олганда, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малакасини оширишни ривожлантириш учун ўқитиш жараёнини илмий асосда йўлга қўйиш, илғор технология

ва замонавий спорт анжомлари бўйича билимларини юқори савияда ошириш керак. Касб-хунар коллежлари мавқеи эса улардаги жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти билан белгиланади. Бундан ташқари, жисмоний тарбия ўқитувчилари ўқитиш жараёни билан бир қаторда, барча турмуш ва ҳаёт билан боғлиқ муаммоларни ечишдаги изланишларни қўшиб олиб боришлари мухим аҳамият касб этади.

Республикамида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълимни, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилаш ва ривожлантиришни талаб этаркан, шу боис таълим тизимини замон талаблари даражасида ва эришилган тажрибалар асосида ривожлантириш орқали келажагимиз бўлмиш ёш авлодни жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган, ҳар томонлама етук ва юксак маънавиятли комил инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар бир мураббийнинг, устознинг бурчидир.

Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ёшларни ақлан етук, руҳан тетик, жисмонан бақувват, соғлом қилиб вояга етказиш билан бирга, уларнинг ўзларидаги мавжуд истеъдод ва иқтидорни намоён этишларига алоҳида эътибор бериш позим. ЎзДЖТИ тасарруфидаги малака ошириш тингловчиларига ўз ўқув муассасаларида жисмоний тарбия, спорт соғломлаштириш ишларини ривожлантириш, таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг спорт турларига қизиқишини ошириш, билими, қўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш давр талаби эканлиги қайта-қайта тушунтирилади.

Республикамиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида жисмоний тарбия тизимини такомиллаштириш учун дарс сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга қуйидагиларга алоҳида эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Булар:

– жисмоний тарбия таълими барчанинг имконияти мослиги ва оммавийлигини таъминлаши керак;

- жисмоний тарбия таълими мазмунни мувофиқлигини таъминлаш, жисмоний тарбия соҳасидаги билимларни жаҳон даражасига олиб чиқиш зарур;
- дарсдан ташқари пайтларда жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланишини таъминлаш лозим;
- ҳақиқий спорт тўгараклари, факультативлар ташкил қилиш шарт;
- оммавий спорт ва согломлаштириш тадбирлари, байрамларда спорт турлари бўйича мусобақалар, спартакиадалар, викторина ва бошқалар мунтазам ўтказиб турилиши керак;
- талабалардан анкета йўли билан жисмоний тарбия фанига муносабатларини ўрганиб, улар талабига мослаб бориши керак.

Малака ошириш факультетида жисмоний тарбия тизмини такомиллаштириш мақсадида назарий билимларни бериш билан бирга, тингловчилар интеллектуал салоҳиятини замон талаби даражасида ривожлантириб боришига аҳамият бермоқдамиз. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ўкув режага давлатимиз кадрлар сиёsatини, ички ва ташқи сиёsatни, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётдаги долзарб муаммоларни қамраб олувчи мавзуларни киритишга алоҳида эътибор берилган. Жисмоний тарбия ўқитувчиси ва раҳбарларида бошқариш санъати шаклланган бўлиши керак. Шу боис ҳам малака ошириш факультети ўкув режасига «Спорт психологияси», «Спорт педагогикаси», «Спорт физиологияси», «Валеология», «Жисмоний тарбия ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш» каби фанлардан маърузалар киритилган.

Спорт маҳоратини такомиллаштиришда педагогик маҳорат санъатига эга бўлган, шогирдларини меҳнат-севарликка ўргата оладиган, ҳаракат уйғунлигини ривожлантириш, функционал ва сезги тизими ишини биладиган, тезкор фикрловчи, чамалашни, жасоратни ўрнига кўя оладиган, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўзини қўлга олишга ўргата оладиган фазилатларни ўзида мужассамлаштира олган киши ҳақиқий мураббий ҳисобланади. Ёш

спорчиларни ҳукуқий тарбиялаш масалалари доимо унинг диққат марказида бўлиши, интизомсизликнинг бирор кўринишини ҳам четда қолдирмаслиги, тарбиянинг турли шаклларидан ўринли фойдаланмоғи лозим.

Тарбиявий тадбирлар: сухбат, маъруза, жамоа бўлиб кинофильмлар кўриш, маҳсус кўргазмаларга бориш, музей, театр ва бошқалар ўқув-тренировка машғулотларидан ташқарида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Жамоатчилик топшириқларининг бажарилиши назорат остига олиниши зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш лозими, шуғулланувчиларнинг дарсни ўзлаштириши устоз-мураббийнинг эътиборидан четда қолмаслигини тақозо этади.

Устоз-мураббийлар ўқув машғулотлари даврида шуғулланувчиларнинг хавфсизлик чоралари ва ўзини ўзи эҳтиёт қилиш устидан назорат талабларига амал қилишини, тиббий назорат қоидалари, машғулот жойи ва жиҳозларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларни билиши ва кузатиб бориши керак. Устоз-мураббий ҳаммавақт машғулотларни ўтказишга тайёргарлик кўрган бўлиши, шуғулланувчиларнинг шахсий хусусиятларини ва жисмоний имкониятларини билиши шартдир. Ҳар бир устоз-мураббий шуни билиши керакки, фақат изчилликка доимо риоя қилиб, ўргатиш методикаси ва тренировка машғулотларини фаннинг энг сўнгги ютуклари ва амалиёти билан мустаҳкам алоқада олиб бориши зарур.

Тингловчиларнинг билими, олган янгиликлари, қайси дарслар маъқул бўлгани ёки маъқул бўлмагани, унинг сабабларини ўрганишимиз келгуси ишимизни янада яхшилашга асос бўлмоқда.

Малака ошириш фаолиятини янада ривожлантириш учун ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ўқув воситалари билан жиҳозланган маҳсус ўқув хоналари, спорт иншоотлари зарур.

Малака ошириш фаолиятини жаҳон андозалари дарражасига кўтариш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун бизнинг мутахассислигимиз бўйича тарақкий этган давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш лозим.

Ўқитиши жараёнига таклиф этилган профессор-ўқитувчиларнинг тариф ставкаси қайта кўриб чиқилса, кўшимча имтиёзлар кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Малака ошириш фаолияти (МОФ)нинг моддий-техник базасини кучайтирилиши муаммолардан биридир. Юқорида айтиб ўтилган муаммолар ўз ечимини топса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг малака ошириш самарадорлиги янада юқори бўлади.

Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси – бу устоз-мураббийлик касбидир. Ўзбек спортчиларининг оламшумул ғалабалари, жона-жон Ўзбекистонимизнинг спорт мамлакатига айланишида азиз устоз-мураббийларнинг сони ортиб бормоқда.

---

## ХУЛОСА

Инсонга берилган умр – улкан сармоя. Ундан унумли ва мазмунли фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурч ва масъулиятидир. Бугунги куннинг ўзига хос ва мос хусусияти жамиятни демократик асосда соғломлаштириш, мустақиллик тамойилларини амалий ҳаётга кенг жорий этиш, инсонларнинг ҳаётий манфаат ва кенг кўламдаги турли эҳтиёжларини қондириш ҳамда ҳар бир фуқаронинг маънавий ҳаёт, маънавий-ахлоқий камолотини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиётнинг қудратли омилига айлантиришдан иборатdir. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фармонлари, қарорлари шу вазифаларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, ҳар бир фуқаронинг манфаати, орзу-истаги, талаб-эҳтиёжи мезони бўлиб, инсоннинг энг юксак ва муқаддас қадрият, жамиятнинг куч-қудрати эканлигини исботламоқда.

**Эзгу ғоя ва эътиқодни шакллантирувчи омиллар.** Инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшай олмайди. Шахс ва унинг эътиқоди масаласи мухим муаммолардан бўлиб, унинг шаклланиши моҳияттан ижтимоий омилларга бевосита боғлик, деб қаралади. Бу масалага эътибор ортиб бораётганининг боиси шундаки, шахсдаги мағкуравий иммунитетнинг шаклланишида ундаги эзгу ғоя ва иймон, эътиқод мухим аҳамиятта эгadir. Агар биз ёшлиаримизда болалиқдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашни шакллантира опсак, улар маънавияти бой, мустақил фикрли ва олийжаноб шахслар бўлиб камолга етади. Шу маънода шахс эътиқоди ундаги шундай барқарор ва теран фикр, тасаввурлар, билимлар мажмуики,

мафкуравий дунёқараш ҳамда миллий ғоялар аслида ана шу эътиқодлар асосида шаклланади.

Сиҳат-саломатлик фақат соғлиқ, беморлик олдини олиш билан эмас, кўпроқ ҳаётда кишилар билан бўлган муносабат, муроқот ва мумалаларга бориб тақалади. Соғлиги мустаҳкам кишини руҳий кайфияти, асаб, тинчлик-осойишта, хотиржамлиги унинг ҳаёти ва турмуш тарзининг соғлом бўлишида катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам соғлом турмуш тарзининг энг муҳим жиҳатлари ахлоқий муносабатлар мажмуаси билан боғлиқ жараёндир. Ҳаётимизнинг баъзи қирраларига назар ташлаб кўрайлик. Инсон доимо бошқалар билан муносабатда бўлади. Бу муносабат, агар гўзал ахлоқий фазилатлардан йироқ бўлса, иккинчи инсон ўз кўполлиги, камситиш, безътиборлиги, меҳрисизлиги, ҳақоратлаш каби салбий иллатлар билан киши дилига озор берса, асабларга тегса, бу ҳар қандай инсоннинг дилини, қалбини жароҳатлади. Бу жиҳатнинг олдини олишга ҳар қайси шифокор фаолияти давомида ожиздир. Дил жароҳати отилган ўқдек қалб, асаб ва хотиржамликка путур етказади. Шунинг учун соғлом турмуш тарзи ҳақида буюк мутафаккир Алишер Навоий:

*Кўнгулда тил синони жароҳати бўлмас,  
Анга ҳеч нимвики малҳам ерни тутмас,*

деганди. Шунинг учун соғлом турмуш тамоийилларидан бири эзгу амалларни, яхши хулқ-одобни, инсоний гўзал муносабатларни ҳар бир кишининг онги, тафаккурига сингдиришни тақозо қиласди. Яъни, маърифатпарвар Абдулла Авлоний сўзи билан айтсан: «Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд дараҷа ахлоқ тарбиясидир». Энг аввало, инсон моддийгина эмас, аввало, маънавий-ахлоқий сахий бўлмоғи лозим. Инсонларга яхши муносабатда бўлиш, уларга озор бермаслик ҳам саҳоватпешаликдир. Бу сахийлик ва саҳоват инсонда шағ, ҳурмат ва гўзалликни ортиради. «Кишиларнинг муҳаббат, ҳурматини жалб қилмоқчи бўлсанг, ҳар бир

ишда, одобу муомалада сахий бўл. Саховат сени севимили қиласди», – дейди мутафаккир Аҳмад Юнгакий. Ҳақиқатан инсонни пок одоб, орият, ҳаё, мулойимлик шаррафли қиласди. Бу фазилатлардан адабимиз Иброҳим Софуров таъкидлаганидек, «ҳаёт ва тирикликнинг тугалмас маърифати туғилади».

Инсон учун зарур бўлган ҳузур-ҳаловат, осойишталик, аҳиллик, ғамхўрлик, иззат-хурмат, қадр-қиммат, самимий меҳр-оқибат – хуллас, олийжаноб инсоний туйғу ва хислатлар соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзидан бошланади. Унинг илдизлари эса соғлом оила, оиланинг доно ва оқилона муносабатларида куртак отади, унибўсиб, мева бера бошлайди. Булар эса соғлом турмуш тарзининг маънавий-рухий ва ахлоқий жиҳатларига суюнган ҳолда ривожланади ва янгича мазмун-моҳият касб этиб, такомиллашиб боради. Инсон ўзини, ҳудди кўзгуда кўргандек, бошқалар билан муроқотда англаб етади. Соғлом турмуш тарзини ҳозирги шароитда давримиз талабига хос ва мос ахлоқий мезонларга таянган ҳолда ахлоқий қадриятларни такомиллаштириб, кишилар ўртасидаги муносабатларни ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш лозимдир. Бу жараён кишилар жисму руҳини тетик, феъл-авторини етук, яхшилик ва ёмонликни фарқлаш туйғусига эга бўлишни тақозо қилмоқда. Зоро, инсонларни, аввало, ҳақиқий инсон қилиб етиштириш, улар турмуш тарзида ахлоқий фазилатларни камол топтириш, ақл-идрокни яхши хулқ, яхши билим, яхши амал билан бойитиш лозим. Бу эса, жамиятимиз равнақида муҳим аҳамият касб этаётган тамойил – маънавият ва маънавий қадриятлар, таълим-тарбия ишининг уйғунлиги ва самарадорлигига боғликдир. Шахснинг маънавиятини белгиловчи бошқа кўплаб психологик бирликлардан фарқли ўлароқ, эътиқод ва дунёқараш нисбатан барқарор ва уйғун бўлиб, уни осонликча, тез фурсатда ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун унинг табиатини ўрганиш, унинг ўзгаришига таъсир кўрсатиш омилларини аниқлаш масаласи билан бевосита боғликдир. Шу-

нингдек, салбий иллатларга курашчанлик рухини яратиш, бепарволик, лоқайдлик ва мурасасизликка қарши курашиш лозимлигини тақозо қилмокда. Ахлоқий бурч, масъулиятни ички зътиқодга айлантириш соғлом турмуш тарзининг ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш имкониятини яратади.

Ахлоқий асосларга амал қилган ҳар бир инсон – ўз турмуш тарзи мазмун-моҳиятини бойитиш, гүзал фазилатлар асносида етуклик ва мукаммаллик шарафига эришишга интилиб яшайди. Абдурауф Фитрат айтганидек, инсон бу дунёга маънавий такомиллашиб учун юборилган. Инсон ҳаётининг мазмуни бу дунё ҳаётида ва у дунё ҳаётида маъноли яшаб ўтишдан иборатдир. Соғлом турмуш тарзи ҳар бир юртдошимизни ҳақиқат мажмуасига суюниб, ақл-фаросатга ривож бериб, илм, билим, ҳаёт фалсафаси, ажоддлар тажрибаси, давр талабларини чуқур ва онгли англаб, турмуш тарзи ва ҳаёт мазмунини одамийлик йўлида ривожлантириб, ҳамма жабҳада ахлоқий фазилатларга амал қилиши позим. Ахлоқий етуклик кишида иймон-зътиқод ва амални кучайтиради. Инсонлик шарафини кўтаради. Бу жараён онгли ҳаёт кечириш бўлиб, баҳт-саодатга етаклайди. Соғлом турмуш тарзини қарор топишига, жамиятни инсонпарварлаштириш ва соғломлаштиришга хизмат қиласди. Ҳар биримиз шунга интилиб яшасак, бу жараён онгли ҳаёт кечириш, яъни баҳт деб аталади. Ҳар бир инсон ақл-идрокка, яхши хислатларга, олийжаноб ахлоқий муносабат маданиятига амал қилиб, борига шукур, йўғига қаноат билан, ззгулик, баҳт ва яхшиликка интилиб яшаса, ўз турмуш тарзидан руҳий-ахлоқий қаноат ҳосил қиласди. Соғлом турмуш тарзининг ривожига эришиш имконига эга бўла олади. Юртимиз эса миллий ифтихор, гурур руҳида камол топган соғлом авлодлар маконига айланади.

Маънавиятнинг ахлоқий жиҳатларидан энг муҳими ззгулик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварликдир. Инсон ззгуликка интилиб яшайди. Эзгулик инсонни мукаммалликка, жамиятни эса юксак тараққиётга ет-

**казувчи воситадир.** У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, ривожланади. Эзгулик яхши, хайрли тилак ва амалларга йўналтирувчи инсоний фазилатдир. У ахлоқий идеал билан уйғунлашган бўлиб, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзида адолат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, садоқат, жасорат туйғуларини ифодалайди. Эзгулик инсонларга хос фазилатларда намоён бўлади, сайқал топади.

Ёш авлодда миллий ифтихор ғурури ва шукроналик туйғуси бўй кўрсатиб, янада олға унданмоқда.

Унда ватанпарварлик туйғуси бош мезон даражасига кўтарилди. «Ватанпарварлик» тушунчаси серқирра: тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт жараёни бўлиб, жамият ривожи билан бирга такомиллашиб боради. Ҳар бир ватанпарвар миллат, юрт, маҳалла, оила, ижтимоий мухит манфаати билан яшаш, унинг истиқболи, барқарорлиги йўлида меҳнат қилиш билан юртпарвар фарзанд эканлигини исботлайди.

**Ватанпарварлик туйғуси фарзанднинг тугилган кунидан то умрининг охиригача давом этадиган табиий жараёндир.** Бугун Ўзбекистон она-юрти, халқи учун фидойи, жасорат ва мардлик билан юртини, халқини ҳимоя қилган ва қилаётган фарзандлари билан фахрланса арзиди. Булар юрт тақдирини ўз тақдирида, ўз тақдирини Ватан, халқи тақдирида кўра олади.

Ватанпарварлик туйғусининг ижтимоий ва маънавий асослари кенг кўламда яратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Конституциясида яшаш, ўқиш ва ишлаш учун ҳамма зарурий имкониятлар қонуний ифодасини топиб, давлат томонидан кафолатланган. Шунинг учун ҳар бир ёш авлод, энг аввало, ўз миллати ва давлатининг эркин, озод фарзанди сифатида ўз ўрни, мавқеига эга бўлиб, масъулиятни ҳис этадиган шахс бўлиши лозим.

Мустақиллик йўлида юртпарварлик туйғусини намоён қилиб, ақл-заковатини ишга солиб, билим олаётган, ҳалол меҳнат қилаётган миллионлаб ёшларимиз билан фахрланиб, Ватанимизнинг ҳақиқий згалари, келажаги

деб ҳар қанча ғуурлансак арзийди. Жамиятимиз ёш авлоди – келажагимиз эгалари кудратли, ишончли кучдир.

Ёшлар ҳаётида юз бераётган баъзи нохуш салбий ҳолатларнинг туб сабаб ва илдизларини билиш лозим. Жаҳолат ва қабоҳатнинг юртимизга кириб келиши, ёшлар онгидан ўрин олиши, рақибларимизнинг турли усул ва услублар билан салбий таъсир ўтказишидан ёшларимизни асраримиз лозим.

XXI аср вабоси – гиёхвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишишалик, ўзгалар молу мулкига хиёнат, очигини айтганда, ёшлар орасида ҳам кўплаб учрамоқда. Бунинг асосий сабаби, таълим-тарбиянинг бўшлиги, бўш вақт кўплигининг эътиборга олинмаслиги, маҳалла, оила ва ўқув масканида маънавий-маърифий тарбиянинг сустлигидир.

Инсон мукаммалликка эришуви учун илмнинг барча соҳасини пухта эгаллаши талаб қилинади. Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, инсон уйга, оддий эмас, балки қоронғу уйга ўхшайди. Ўқув-идрок эса, машъал каби нур сочади, шу уйни ёритади, кишини нурли манзилга элтади.

Етук шахс ҳаёт учун зарур маданий бойликларни ўзлаштирган, ижтимоий-тарихий тажрибага эга, одамлар билан ижобий-ахлоқий муносабатларни ўз хатти-ҳаракати ва шахсий ижтимоий ҳаётининг мезони қилиб олган бўлмоғи лозим.

Қадимдан «шахс» тушунчаси турлича изоҳланган. Юнон олим Афлотун: «Донишмандлик – шахсни белгиловчи мезон», деган бўлса, немис олимни И. Кант эса, «Ўз мақсадига зришиш йўлларини билган инсон шахсdir», дейди.

Шахс камолоти жараёнида унинг турли зиддиятларга ва зарарли эътиқодларга берилиш ҳолати ҳам кузатилади. Масалан, психологлар этник зиддиятлар ҳамда диний эътиқодлар шаклланиши ва ўзгаришига катта эътибор бериб, ушбу жараёнга хос умумий қонуниятларни ўргангандар.

Шахсга алоқадорликлардан бири диний эътиқод, уни ҳақиқий тақводорлик ёки ҳақиқий эътиқоддан фарқлеш

зарур. Шу нүктай назардан олиб қараганда, шахсдаги ташқи ва ички диний зътиқодни ёки динга мойилликни фарқлайдилар.

Биринчидан, шахс зътиқоди ва унинг жамиятдаги хулқини белгиловчи омил бўлгани учун ҳам уни шакллантиришга, энг аввало, жамият ва жамоатчилик, оила ва барча турдаги таълим муассасалари жалб этилади.

Иккинчидан, биз зътиқодни шакллантирувчи ҳар бир омилнинг таъсир кучи нималарга боғлиқлигини билишимиз керак. Булар қуйидагилардир:

а) таъсир кўрсатувчи манба – шахс ёки гурӯҳ, бошқача қилиб айтганда коммуникатор;

б) таъсир мазмуни ёки маълумот;

в) таъсир воситасини етказувчи тармоқ;

г) таъсирни қабул қилувчи аудитория.

Таъсир кўрсатувчи шахс – таълим берувчи. Таъсир кўрсатувчи шахсдан нималар талаб қилинади? Аввало тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишончи ва бошқалар. Мафкурачиларнинг асосий иш услуби, методларига ўзида мавжуд билим, тушунча, ғояларни асос қилиб олган ҳолда, биринчи навбатда ёшларда, қолаверса, кенг ҳалқ оммаси онгига мустаҳкам зътиқодни шакллантириш, таъсир кўрсатиш ва тақлид этишга чорлашдир. Бунда у мулоқотнинг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан – монолог, диалог, баҳс-мунозара кабилардан фойдаланади. Айнан ана шу фаолият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини эгаллашини талаб қилади. Сўзловчи ўз нутқида нутқий бўлмаган воситалардан ўз ўрнида мақсадга мувофиқ фойдаланиши шарт. Агар воиз ёки нотик ўзига берилган минбарда фақат сўз ва иборалар тизимидан фойдаланиш билан чекланса ёки қоғозга туширилган матндан четга чиқолмаса, уни аудитория тингламайди, унга ишонмайди. Шунинг учун ҳиссий таъсир усуллари – ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика ва пантомимика кабилар ҳам таъсирни кучайтирувчи психологияк механизmlар эканини унутмаслик керак.

Тарбиячидан талаб қилинадиган яна бир мұхим хислат – гапираёттан кишининг ёқимтойлигидир. Бу ҳам нотиққа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлар аудиториясида воизнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли, олимларнинг мантиқий, илмий таҳлилларга асосланган фикр ва мулоҳазалари аудиторияда катта таъсир кучига эга бўлади.

**Ахборотнинг мазмунни.** Нотиқнинг нима ҳақида гапираётгани ҳам мағкуравий тарбияда мұхим ўрин тутади. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўладики, одамларга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (хиссият уйғотувчи) маълумотлар тез таъсир қилади. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилиши керак.

Маълумотларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини уларнинг оммаболлиги, билдирилган ёки ифода этилган ғояларнинг содда, ихчам ва равон баён қилинишига кўп нарса боғлиқ. Тингловчи ҳар бир сўзни тушунсагина, унда теран муносабат шаклланади.

Болалар билан миллый ғояларимиз хусусида олиб бориладиган сұхбатларда тарбиячи ёки мураббий аввалдан тайёр саволлар тартибини ишлаб чиқиши лозим.

**Таъсир воситаси (алоқа тармоғи).** Тарбияда яна бир омил – маълумотнинг нима воситасида узатилиши масаласи. Шундан келиб чиқиб айтиш мүмкінки, тингловчи билан алоқа воситали ва бевосита бўлади. Юзма-юз учрашувлардаги мулоқот ёки таълим-тарбия жараёнидаги таълим берувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатлар воситали алоқага мисол бўлса, оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда телевидение, радио, газета ва журналлар, китоб ёки рисолалар воситасидаги мулоқот бевосита алоқани билдиради. Албатта, одамларга юзма-юз туриб ўз фикр ва эътиқодини баён этиш энг таъсирчан усулдир.

Демак, инсоннинг ўзига бўлган баҳоси меъерида, ўртача ҳамда холис бўлиши лозим.

Хуллас, ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялаш, тарбия жараёнида уларда ишонч ҳосил қилиш, яхши жиҳатлар

(ўқиши ва ўрганиш)ни рағбатлантириш, сабаб ва натижаларни ўрганиш, сабоқлар чиқариш доимий иш эканлигини унутмаган ҳолда ҳамда бутун халқ, жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлар, давлат тизимидағи вазирлик ва институтларга таалуқтрылған эканлигини чуқур анграб, бу масалага маstryулият билан ёндашиш әнг долзарб масала вазифадир.

---

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – 380-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – 326-бет.
3. Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 429-бет.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 30-бет.
5. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимиизда, юрагимиизда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 18-бет.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – 525-бет.
7. Каримов И.А. Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга кодир бўлади // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 440-бет.
8. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий испоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 200-бет.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176-бет.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка зришиш осто-насида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
11. Абу Али ибн Сино. Тарбия ҳақида. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Т.: «Мерос», 1992.
12. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. – 160-бет.
13. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: «Фан», 1990.

14. Аҳмедов А. Ёшларни миқлий қадриятлар руҳида тарбиялаш (Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва ҳикматли ривоятлар асосида). – Т.: ТДПУ, 2008.
15. Бобоназаров F. Мағкура ва экологик мұаммолосар // – Т.: «Мұлақат» журнали, 4-сан. 2001. 21-бет.
16. Бреҳман И.И. «Введение в валеологию – науку о здоровье», – М.: «Наука», 1987.
17. Войнов В.Б., Сысоева А.Ф., Варгулева И.Ю. К вопросу валеологической оценки адаптации детей к начальной школе // Валеология. – М.: 2000. №1.
18. Зайцев Г.К. Школьная валеология: научное обоснование и программное обеспечение. СПб: – Акцидент, 1997.
19. Золотухин В.В. Практикум по валеологии: практикум для высших учебных заведений. – Ростов-на-Дону: УНИИ валеологии РГУ, 1999.
20. Калила ва димна. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 20-бет.
21. Комилов Н. Тасаввүф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. – Т.: «Ёзувчи», 1996. – 271-бет.
22. Леднова М.И., Морозова Г.И., Иванецкая Л.Н., Мартынова Г.Б. Результаты комплексного валеологического обследования сотрудников РГУ и РГПУ // Валеология. – М.: 2001.
23. Маевлонов М. Ахлоқшунослик. – Т.: «Насаф», 2002. 5-бет.
24. Марҳоқкий Я.Л. Валеология: учеб. пособие / – Мн.: «Высш. Шк.», 2006.
25. Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий лугат). – Т.: «Янги аср авлоди», 2002. 177-бет.
26. Назимо Алий. Қизлар тарбияси. – Т.: «Камалак», 1994.
27. Назиров Ф. Соғлом миллат. – Т.: «Халқ сўзи», 2008 йил 28 февраль.
28. Оила мұхитини соғломлаштиришнинг восита ва услублари // Илмий-амалий, услубий семинар материаллари. – Т.: ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006 йил.
29. Оқилов О., Эргашев А. Соғлом турмуш – узок умр пойдевори. – Т.: 1984.
30. Педагогическая валеология. Генезис. Тенденции развития. – Пб., 1997.

31. Петленко В.П. Валеология человека. – Минск, 1996.
32. Полов С.В. Валеология в школе и дома. О физическом благополучии школьников. –СПб., 1997.
33. Содиков К. Оилавий ҳаёт – гигиеник ҳамда жинсий тарбия. – Т.:1990.
34. Сайфиддин Фахриддин ўғли. Витамин ва ҳаёт. – Т.:1978.
35. Сайфиддин Фахриддин ўғли. Ичкиликнинг зарари,. – Т.: 1971.
36. Сайфиддин Фахриддин ўғли. Умр заволи. – Т.: 1981.
37. Соғлом турмуш тарзи – бош мақсадимиз //Илмий-амалий, услугубий семинар материаллари. – Т.: ОЎМКҲТРМ, 2006 йил.
38. Силяянова И. Валеология //Православная беседа. – М., 1999.
39. Тиллаева Г.Х. Маънавият ва комил инсон тарбияси. Рисола. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2006.
40. Тиллаева Г.Х. Ижтимоий-ахлоқий муҳит ва ёшлар тарбияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2009. 166-бет.
41. Тиллаева Г.Х. Оила ва инсон камолоти. Монография. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти ноширлик бўлими, 2011. 104-бет.
42. Татарникова Л.Г., Позднева М.В. Валеология подростка. Пособие к курсу «Валеология» для учащихся 5–7 классов. СПб: «Реггос», 1998.
43. Татарникова Л.Г. Педагогическая валеология. Генезис. Тенденции развития. – Пб., 1997.
44. Форобий Абу Наср. Фазилат, баҳт-саодат ва камолот ҳақида./ Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи: Қодиров М. Масъул мухаррир: А.Жалолов. – Т.: «Ёзувчи», 2001.
45. Хитров Н.К. Ваш дом – для вас. –М.: 1995.
46. Чумаков Б.Н. Валеология. Избранные лекции. –М., 1997.
47. Шайхова Х.О. Маънавият ва соғлом авлод камолоти. – Т., «Akademiya», 2006. – 64-бет.
48. Шайхова Х.О. Инсон мустақилликнинг энголий қадрияти. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006.
49. Шайхова Х.О., Тиллаева Г.Х. Соғлом турмуш тарзи ва ёшлар камолоти. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2007. – 60-бет.
50. Шодиматов И. Соғлом турмуш тарзи. – Т.:1991.
51. Шапиро Б.М. и др. Здоровый образ жизни: Пособие для учителя. – Алматы, 2003.

52. Яссавий А. Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. –256-бет.
53. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: «Адолат», 1998.
54. Қуръони карим. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т.: «Чўлпон», 1992.
55. Қурбонов Ш. ва бошқ. Баркамол авлод оразуси. («Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). – Т.: «Шарқ», – 144-бет.
56. <http://www.medinfo.ru/sovety/val>
57. <http://www.medinfo.ru>
58. <http://www.erudition.ru>

---

## МУНДАРИЖА

<i>Кириш</i>	3
Ахлоқий қадриятлар ва соғлом турмуш тарзи:	
диалектик боғлиқлик масалалари	5
Маънавий меросимизда ахлоқий қадриятлар ва соғлом	
турмуш тарзи алоқадорлиги масалаларининг ўрни	29
1. Шарқ маънавий тафаккурида ахлоқий қадриятлар ва	
соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари-	
нинг қўйилиши	29
2. Farb мутафаккирларининг қарашларида соғлом турмуш	
тарзини шакллантиришнинг ахлоқий концепцияси	62
Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий	
қадриятлардан фойдаланишни такомиллаштириш	
масалалари	68
Хуолоса	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82

*Илмий-оммабол нашр*

**ФАРИДА ХАЛДИБЕКОВА**

**СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ –  
ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
АСОСИЙ ОМИЛИ**

Муҳаррир *Г. Азизова*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Кутлуков*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусаҳҳих *Н. Абдураҳмонова*

Компьютерда саҳифаловчи *Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.09.

Босишга 2013 йил 20 августда рухсат этилди.

Офсет қозози. Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. «Arial» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоги 4,62.

Нашр табоги 3,82. Адади 500 нусха. Буюртма № 13-321.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

*2800 сур.*

X-17

**Халдибекова, Фарида**

Соғлом турмуш тарзи – жамиятимиз тарақ-  
қиётининг асосий омили / Ф. Халдибекова. – Тош-  
кент: «Ўзбекистон», 2013. – 88 б.

ISBN 978-9943-01-862-4

УЎК: 37.017.92:61  
КБК 51.1(5Ў)60.56+87.7(5Ў)